БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 230 (17.810). • 5 октябрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР ЯКУН!

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

5 850 000 ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	3,00	91,85	2,78	83,54
Бухоро	2,90	77,51	3,30	39,62
Қашқадарё	2,81	73,63	2,93	51,24
Сурхондарё	2,45	69,23	2,57	55,25
Жиззах	4,80	65,88	5,25	69,82
Сирдарё	4,45	63,03	5,02	63,99
Фарғона	2,53	61,57	3,08	33,89
Самарқанд	3,62	59,88	3,40	36,70
Хоразм	2,94	56,96	3,05	34,66
ҚҚАССР	3,34	54,41	3,54	41,30
Андижон	3,05	53,28	3,22	26,01
Наманган	3,10	46,99	2,88	24,15
Республика бўйича	3,13	63,54	3,45	47,51
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	2,61	49,98	3,16	33,95
Бухоро	1,95	48,73	0,83	3,12
Қашқадарё	1,93	34,85	1,48	15,03
Наманган	2,02	32,43	1,98	11,90
Республика бўйича	2,34	45,05	2,41	24,88

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Ромитан райони — район партия комитети секретари ўрток Қаландаров, район ижроия комитети раиси ўрток Сэбиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўрток Шаропов қишлоқ хўжалик-ишлаб чиқариш техника таъминоти район бўлими бошқарувчиси ўрток Камолов, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўрток Қодиров, район комсомол комитети секретари ўрток Курбонова, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўрток Хафизов;

Бўка райони — район партия комитети секретари ўрток Исломов, район ижроия комитети раиси ўрток Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўрток Содиқов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти район бўлими бошқарувчиси ўрток Ёқубов, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўрток Шукуруллаев, район комсомол комитети секретари ўрток Муҳаммаджонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўрток Шукуров;

Ғиждувон райони — район партия комитети секретари ўрток Раҳимов, район ижроия комитети раиси ўрток Мақсудов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўрток Равшанов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти район бўлими бошқарувчиси ўрток Бўстонов, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўрток Хусенов, район комсомол комитети секретари ўрток Наврўзов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўрток Содиқов;

Ғалаба райони — район партия комитети секретари ўрток Саидхўжаев, район ижроия комитети раиси ўрток Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўрток Ботиралиев, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти район бўлими бошқарувчиси ўрток Юғай, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўрток Куриленко, район комсомол комитети секретари ўрток Сманалиев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўрток Ан Ман Хо;

Пешқу райони — район партия комитети секретари ўрток Ҳамроев, район ижроия комитети раиси ўрток Розиқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўрток Аҳмадов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти район бўлими бошқарувчиси ўрток Холов, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўрток Очилов, район комсомол комитети секретари ўрток Кенжаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўрток Неков.

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

4 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 3.685.211 ТОННА ШУ ЖУМЛАДАН, 157.678 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ЎТГАН КУНИ ПАХТАЗОРЛАРДАН 181.265 ТОННА ХОМ АШЁ, ШУ ЖУМЛАДАН 8.196 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

ТАНИШИНГ: БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

● **СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ШУРЧИ РАЙОНИ.** Район заршунослари беш йил мобайнида эл хирмонига 360 минг тонна, шу жумладан, 23 минг тонна ингичка толали пахта топширдилар. Ўтган давр ичида пахта ҳосилдорлиги 39 центнерга кўтарилди.

● **ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ЎЗБЕКИСТОН РАЙОНИ.** Район меҳнаткашлари беш йилда 255.900 тонна хом ашё топширдилар. «Ғаниобод», «Комсомол» совхозлари, Ғафур Ғулом номли колхоз аъзоларидан беш йиллик планни 108—110 процент адо этдилар. Район пахтакорлари давлатга яна 25 минг тонна «оқ олтин»ларини армуғон этадилар.

● **СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН ЙЎЛИ РАЙОНИ.** Район пахтакорлари 242 минг 116 тонна, шу жумладан, 101.214 тонна ингичка толали пахта топширдилар. Умумий муваффақиятга Ленин номли, Охунбобоев номли, Будённий номли, Раҳимов номли хўжалик коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга дон топшириш беш йиллик топшириғини 470 процент адо этдилар. Шунингдек, полиз, мева, узум, ғўзт, тухум, жун, сут топшириш планлари ҳам бажарилди.

● **ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ Урганч районидаги Ленин номли колхоз.** Бу колхоз заршунослари беш йил мобайнида давлатга 25121 тонна «оқ олтин»ларини етказиб бердилар.

● **ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИ** чорвадорлари давлатга 15023 тонна ғўшт, 33858 тонна сут, 26542 минг дона тухум топширдилар. Район чорвадорлари беш йиллик охиригача давлатга яна 947 тонна ғўшт, 2581 тонна сут, 6437 минг дона тухум топширишга қарор қилдилар.

АКА-УКА НОРОВЛАР ЗАФАРИ

Қашқадарё область Тўпмаржон районидаги «Самарқанд» совхози механизаторлари — ака-ука Уроқ, Уроз, Болта, Қурбон ва Ҳамро Норовлар ажойиб меҳнат ғалабасини ўлга киритдилар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ҳозир уларнинг ҳисобида 2155 тонна «оқ олтин» бор. Акаука Норовлар мавсум охиригача яна 1000 тонна хом ашё тершига қарор қилдилар.

МЕХАНИЗАТОР ЖАСОРАТИ

Кеча Сурхондарё областининг пешқадам механизаторларидан бири Хўжамқул Рустамов ҳисобидаги пахта 600 тоннага етди. Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг машҳур механизатори бу кўрсаткични камида 650 тоннага етказишни мўлжаллаяпти.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

Сурхондарё область, Шўрчи районидаги «Октябрь 30 йиллиги» колхози. Хўжалик аъзоматлари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 3850 тонна «оқ олтин»ларини армуғон этдилар.

Эндиликда Сурхондарё областида тўртта хўжалик, 16 та бўлим, 282 та бригада коллективи мажбурият ҳисобига «оқ олтин»ларини топширмоқда.

* * *

Қашқадарё область Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхози. Бу хўжалик аъзоматлари давлатга 4200 тонна дурдона армуғон этдилар.

* * *

Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози. Хўжалик деҳқонлари қабул пунктларига 4030 тонна пахта топширдилар. Шунинг 2500 тоннаси машиналар билан терилди.

* * *

Наманган область Учқўрғон районидаги «Гулистон» совхози. Бу ерда мавсум бошидан буён 2200 тонна дурдона тайёрланди. Ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерга етди.

* * *

ҚҚАССР Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхози. Совхоз заршунослари беш йиллик планни ўтган йилдаёқ ўдалаган эдилар. Улар бугунги кунда ҳам КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришяпти. Совхоз деҳқонлари қабул пунктларига 3700 тонна хом ашё жўнатиб, якунловчи йил планини муддатидан илгари адо этдилар. Беш йиллик бошидан буён эса давлатга топширилган пахта 20.046 тоннага етди.

* * *

Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхоз ҳамда «Ленинизм» совхози. Тельман номли колхоз заршунослари давлатга 6320 тонна, «Ленинизм» совхози аъзоматлари эса 3.100 тонна дурдона топширдилар.

* * *

Жиззах область «Октябрь» районидаги Ҳамза номли совхоз. Бу ерда қўрқинчли дастлабки ҳосили 1352 тоннани ташкил этди. Ҳар гектар ердан 12 центнердан хом ашё олинди.

* * *

Сирдарё область Меҳнатобод районидаги Ғаниишер Юнусов номли совхоз. Совхоз коллективи Ватанга 5,5 минг тонна дурдона топширди. Ҳосилнинг тенг ярми машиналар билан териб олинди.

* * *

Бухоро область Қизилтепа районидаги «Бўстон» совхози. Совхоз миришкорлари 1835 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,4 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 6250 тонна пахта топширдилар.

* * *

Тошкент область Пскент районидаги «Гулистон» колхози. Хўжалик деҳқонлари минг гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу ерда 10 октябрга қадар ҳосилдорлик 40 центнерга етказилади.

* * *

Самарқанд область Булунғур райони меҳнаткашлари давлатга сабзавот, узум ва картошка сотиш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 22600 тонна сабзавот, 48200 тонна узум, 5500 тонна картошка жўнатилди.

* * *

Бухоро районидаги «Галаосиё» совхоз-заводи узум топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Давлатга пландаги 23800 тонна ўрнига 27403 тонна узум топширилди.

* * *

Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхозининг Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Қадиримбет Дуримбетов бригадаси Ватанга 1000 тонна шоли топширди. Пешқадам коллектив аъзолари 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан «қирмизи дон»ни олиб, беш йиллиги рекорд ҳосил етиштириш билан тугаллашга қарор қилдилар.

ЮКСАК МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Самарқанд области соҳибкорлари ва сабзавоткорларининг катта муваффақияти

Самарқанд области соҳибкор ва сабзавоткорлари партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мева ва сабзавот экиниларидан мўл ҳосил етиштирдилар ва уни йиғиштириб олиш ҳамда тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказдилар, давлатга картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Савдо тармоқларига, умумиттифоқ фондига ва маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарига 403 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу эса йиллик топшириқда кўзда тутилганидан уч минг тонна кўпдир. Давлатга сабзавот, картошка, ҳўл мева ва узум сотиш йиллик ҳажми 100 процент ва полиз маҳсулотлари сотиш йиллик ҳажми 120 процент бажарилди.

Давлатга мева ва сабзавот сотиш давом этмоқда.

Ўнинчи беш йиллик давомида давлатга қариб икки миллион тонна шу қимматли маҳсулот топширилди. Бу эса планга нисбатан 116 процентни ташкил этади.

Областнинг ҳамма районлари шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Самарқанд райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик мобайнида давлатга 993 минг тонна, Булунғур райони 387 минг, Пастдарғом райони 101 минг, Ургут райони 82 минг, Каттақўрғон райони 57 минг, Иштихон райони 55 минг, Пайариқ райони 46 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари сотдилар.

Область соҳибкор ва сабзавоткорлари илғор агротехникадан моҳирлик билан фойдаланиб, картошка, сабзавот, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар.

Булунғур районидаги Навоий номли, Гагарин номли, «Красногвардейск» совхозларининг Ургут районидаги Навоий номли колхоз ва «Уч қаҳрамон» совхозининг картошкакорлари ҳар гектар ердан 170—200 центнердан картошка кавлаб олдилар. Самарқанд районидаги «Москва», Энгельс номли, «Ленин байроғи» колхозлари ва «Боғизағон» совхози гектар бошига 400—500 центнердан сабзавот етиштирди. Пастдарғом районидаги «Пастдарғом», Булунғур районидаги «Булунғур», Фозил Йўлдош номли, «Красногвардейск», Қўшработ районидаги Свердлов номли ихтисослашган совхозлар ва Самарқанд районидаги «Партия XXV съезди» совхоз-заводи ҳар гектар токзордан 150 — 240 центнердан узум узиб олдилар. «Пастдарғом» совхози 220 гектар боғнинг ҳар гектаридан 170 центнердан мева йиғиштириб олди.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоздан Хушвақт Яхшибоев, «Ленин байроғи» колхозидан Парда Бекбоев, «Москва» колхозидан Собир Қобилов сингари донг чиқарган деҳқонлар ва кўпгина бошқа сабзавоткорлар ҳар гектар ердан 500 — 750 центнердан сабзавот йиғиштириб олдилар; Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» совхозидан Сайдулло Жуманиёзов, Бупунғур районидаги «Булунғур» совхозидан Мансур Гайдаров, Фозил Йўлдош номли совхоздан Элмурод Шомуродов сингари соҳибкорлар ҳар гектар токзордан 200—320 центнердан узум етиштирдилар, Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» совхозидан донгдор боғбон Бўта Очилов ҳар гектар ердан 210 центнердан мева йиғиштириб олди.

Бу муваффақиятларга соҳибкор ва сабзавоткорларнинг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати туфайли, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли эришилди.

Партиянинг аграр сиёсати муваффақиятли рўёбга чиқарилганлиги, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграциясини негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш амалга оширилганлиги натижасида кейинги йилларда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилди. Бу эса ана шу тармоқни интенсивлаштириш, ҳосилдорлигини ошириш ,маҳсулот таннархини пасайтириш учун чекланмаган имкониятлар очиб берди.

Ҳозирги вақтда 37 та совхоз товар мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ихтисослаштирилди. Бу совхозлардан 15 таси шу беш йилликда ташкил этилди. Етиштирилаётган узумнинг 76 проценти, картошканинг 62 проценти ва меванинг 43 проценти шу совхозлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамма турларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллигининг якунловчи йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Космонавтика—тинчлик ва тараққиёт йўли

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Инсоннинг космик орбиталарни ўзлаштириш йилномасига яна бир ёрқин саҳифа ёзилди. «Интеркосмос» программасига мувофиқ СССР ва Куба Республикасининг байроқлари остида ўтган еттинчи халқаро экспедиция муваффақиятли якунланди. 4 октябрь куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси ана шу воқеага бағишланди.

СССРнинг космонавт-учувчиси Ю. Романенко ва кубалик тадқиқотчи космонавт А. Тамайо Мендес, Совет ва Куба олимлари, космонавтларчи тайёрлаш раҳбарлари журналистлар билан учрашувга келдилар. Залда Куба — Совет дўстлиги уюшмасининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Матбуот конференциясини олиб борган СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Ю. Черняков СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Медицина-биология проблемалари институтининг директори академик **О. Газенко**га сўз беради.

Биз, деди у, халқаро космик экипаж билан учрашишдек жуда ёқимли воқеа туфайли бу ерда шу йил учинчи марта йиғилмоқдамиз. Бугун биз Совет—Куба экипажининг аъзолари — киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз» орбитал комплексида учиш программасини қойил мақом қилиб бажарган Юрий Романенко билан Арнальдо Тамайо Мендесни табриклаймиз.

Куба Республикаси космик тадқиқотларда эндигина қатнашаётгани йўқ. 1964 йилдан бошлаб Кубада Ернинг сунъий йўлдошлари илк бор мунтазам суратда кузатила бошланган эди. 1968 йилдан буён Куба фанлар академияси метеорология институтида метеорологик йўлдошлардан булутларнинг фото суратини олувчи Ердаги қабул станцияси ишламоқда. 1973 йилда «Интерспутник» системасига кирувчи «Карибз» космос алоқа станцияси СССР билан ҳамкорликда барпо этилди. Аэрокосмик воситалар ёрдамида Ерни олисдан зондлаш соҳасида тадқиқотлар ўтказилмоқда. «Интеркосмос» программасига мувофиқ биология ва медицина тадқиқотлари муваффақиятли ривожланмоқда. Бугунги кунда Куба халқи, бутун Лотин Америкасининг халқлари қаҳрамон Кубанинг космосга йўллаган вакили — Кубанинг биринчи космонавти Арнальдо Тамайо Мендес билан фахрланмоқдалар.

Академик Газенко Совет-Куба экипажи ўтказган тадқиқотлар ва экспериментларга тўхталди, Леонид Попов билан Валерий Рюмин ниҳоятда зўр ишлаётганликларини қайд этиб ўтди. Уч кун илгари деб таъкидлади у, Попов ва Рюмин одамнинг космосда узоқ вақт бўлишга тааллуқли рекордан ўзиб кетдилар, самарали ишлашни давом эттирмоқдалар. Улар станция учаётган вақт мобайнида учта халқаро экипажни қабул қилдилар.

Куба ва Совет мутахассислари ишлаб чиққан прибор ёрдамида «Кортекс» эксперименти ўтказилди. Бунда хушёрлик, диққат-эътибор, чорғинлик даражасини тадқиқ этишнинг, шунингдек баъзи бир сенсор системалари фаолиятининг бузилиш эҳтимолини аниқлашнинг янги методикасидан фойдаланилди.

Пировардида олим Совет-Куба экипажи иш қобилияти юксак даражада бўлганлигини, белгиланган барча программани аниқ-пухта бажарганлигини қайд этди. Бугун биз, деди у, Юрий Романенко ва Арнальдо Тамайо Мендесни космик орбиталардаги янги ютуқ билан табриклаш учун барча асосларга эгамиз. Бу учиш яна бир бор шуни яққол кўрсатдики, қардош социалистик мамлакатлар космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасидаги энг катта вазифаларни ҳал этишни уддалай оладилар.

Куба Фанлар академияси «Интеркосмос» кенгашининг раиси Х. Альтшулер сўзга чиқиб, ўтказилган тадқиқотлар жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Совет космонавти **Ю. Романенко** минбарга чиқади.

Биз кубалик фазовий дўстим билан бирга, деди Ю. Романенко 1 октябрьда Кремлда бўлган биз учун унутилмас воқеанинг таъсири остида турибмиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев бизга юксак мукофотларни топшира туриб, ишимизга берган юксак баҳо бизни астойдил тўлқинлантирди.

Журналистлар кубалик тадқиқотчи-космонавтнинг нутқини самимий кутиб олдилар. Менга, Куба Республикасининг гражданига, деди **Арнальдо Тамайо Мендес**, «Интеркосмос» программасига мувофиқ навбатдаги космик парвозни бажаришда халқаро экипаж составида иштирок этишдек катта шараф билдирилди.

Мен ана шу зўр ишонч учун КПСС Марказий Комитетидан, Куба Компартияси Марказий Комитетидан, СССР ва Куба Республикасининг ҳукуматларидан астойдил миннатдорман.

Сўнгра космонавтлар ва олимлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Парвоз раҳбари — техника фанлари доктори А. Елисеевдан Л. Попов билан В. Рюмининг «Салют-6» станциясидаги режалаштирилган парвозининг давом этиши қандай деб савол беришди. Тўртинчи асосий экипаж ишининг программаси ниҳоясига етай деб қолди, деб жавоб берди у, парвоз октябрь ойининг биринчи яримида тугалланади.

Киши бошқарадиган биргаликдаги совет ва француз парвози программаси қандай ривожланмоқда? Совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. Шаталов ана шу саволга жавоб қайтара туриб, бундай деди:

— Ишнинг барча асосий тайёргарлик босқичлари ўтиб кетди. Программанинг асосий моментлари келишиб олинди, учиш учун совет ва француз томонидан номзодлар танланди. Ана шу экспериментда қатнашишга талабгор икки француз учувчиси 7 сентябрь куни Звездний шаҳарчасига келиб, ўқишга киришди. Ўқиш бир ярим-икки йил давом этади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Халқаро олимпиада комитети медицина комиссиясининг раиси шаҳрида Александр де Мерод Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов уни 4 октябрь куни қабул қилди.

Александр де Мерод В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, спорт иншоотларини кўздан кечирди. Халқаро олимпиада комитети медицина комиссиясининг раиси Бухоро, Самарқандга борди. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ АРТИСТИНИ ШАРАФЛАШ

СССР халқ артисти Шукур Бурхонов етмиш ёшга тўлди. У ўз истеъдоди, куч-ғайратини театр ва кинога сарфлаб келаётганига ярим асрдан ошди. Шу даврда у жами юзга яқин роль ўйнади. 4 октябрь куни Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, маданият арбоблари саҳна ва экран устасининг юбилейини нишонлаш учун Ҳамза номли театрга келдилар. Улар Шукур Бурхоновни ҳукуматнинг юксак мукофоти — Октябрь Революцияси ордени берилиши билан самимий қутладилар.

Йиғилиш аҳли унга сиҳат-саломатлик, ижодида янгидан янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон мактаб ўқувчилари 4 октябрь куни ўз мураббийларини гуллар, табассум, эзгу-истаклар билан кутиб олдилар. Улар ўз мураббийларини Ўқитувчилар куни байрами билан табриклашдилар.

Жамоатчилик анъанавий байрамни тантанали равишда нишонлади. Педагогик меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, ўқитувчиларни муборакбод этиш маросимлари бўлиб ўтди. Тошкентда Ўқитувчилар кунига бағишланган йиғилиш бўлди. Республика маориф министри С. Шермуҳамедов йиғилишда доклад қилди. (ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ ШАРАФИГА

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИБ

ЭЛЛИККАЛЪА [«Совет Ўзбекистони» муҳбиридан]. **Райондаги Ленин номли колхоз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, СССР Конституцияси куни арафасида катта зафар қўлдилар. Давлатга пахта сотиш бўйича беш йиллик плани барвақт бажарилди. Она-Ватанга пландаги 13598 тонна ўрнига 13700 тонна пахта етказиб берилди. Хўжаликда ҳосилдорлик икки баравар ошди.**

С. Ризаев, Х. Алимов, С. Қобулов, К. Эгамбердиев, К. Бекжонов етакчилигидаги бригада аъзолари беш йилликни тўрт йилда бажариб алоҳида намуна кўрсатишди. Бу йилги пахта йиғим-теримида механизаторлар, айниқса, зўр уюшқоқлик билан ишлаяптилар. Б. Эгамбердиев, Б. Сеитов ўз марраларидан ўзиб, мажбурият ҳисобига пахта термоқда.

Ғалаба қучган хўжалик аъзолари беш йиллик планни 115 процент бажариб, автоном республиканинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

ПАХТАКОРИМ

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Олтин уфураётир бугун ўзбек заминн,
Қалқиб чиқди бағридан пахта аталмиш уммон.
Осмон тарозусига қўйсак ҳосил жамини,
Бир палласин оftобнинг босмоғи ҳам даргумон.

Ахир, пахта деганн фақат заррин толамас,
Фақат кумушзор эмас шеърларда мадҳ этилган.
У деҳқон тафаккурин мевасидир муқаддас,
У минг йиллик туйғулар замирида етилган.

Уфқдан уфққача оқ мавжлар, оқ тўлқинлар,
Хирмонлар силсиласи мунтазам неча довон.
Кўнглим тўлмас тог десам, десам оппоқ чўққилар,
Пахтам — бу чаноқларда бўртган асрлик армон.

Тиёншон этагидан то қадимий Бухоро,
Орол соҳилларидан бобо Термизга қадар —
Миллион-миллион гектарлар кўксига бериб оро,
Ярқиллар субҳидамдан бу ойдин нурли самар.

Шу чексиз каҳкашондан кўринурлар бўй бериб,
Ганжина юкодкори — элим азамат, жўмард.
Ҳорманг, Муассар опа, Ромитонда зар териб,
Аҳмаджон ака Хонқа ичра асло кўрманг дард.

Сизлар минг-минг нафарсиз Фарғонада, Қаршида,
Қудратли моторларни гулдиратган моҳирлар.
Нозик дид, фикри ўктам, меҳнати сернашида,
Томчи тердан яратган беқиёс жавоҳирлар.

Бободеҳқон саньати замон илмига пайванд,
Шундай бир мўъжизалар барқ урди кенг даламда,
Турли офату ғовни енгиб ўтиб бандма-банд,
Пахтакор зафарнома ёзди олмос қаламда.

Севгидаги қатъият, орзудаги равшанлик,
Фақат коммунистга хос эътиқоду ирода.
Олам кўркин ўзида акс этган шан-гулшандек,
Пахтам толаларида топди ёрқин ифода.

Бир Кузбасс кўмирчиси ё БАМ қурувчисидек,
Нурли сарҳадлар аро қад чеккан мард пахтакор,
Сахийсан, сарбаландсан, олижаноб сан, ва лек,
Ҳар лаҳзанг мазмунида машаққатлар юки бор.

Мардона одим ила ўрлаб борурсан юксак,
Момиқ чўққиларини даст кўтариб елкангда.
Бахтлимиз — доим сени шараф тожида кўрсак,
Хам бўлмасин тик қаддинг, кеманг бўлсин елканда.

ҚУРИЛИШ СУРЪАТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Тошкентда қурилиш ишини такомиллаштириш юзасидан Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда қардош республикаларининг ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислари ва олимлари, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг вакиллари иштирок этдилар. Конференцияда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарорини бажариш давомида қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, илмий ва лойиҳалаш муассасалари тўпланган тажриба умумлаштирилди. (ЎзТАГ).

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

ДЎСТЛИК, [Жиззах области], 4 октябрь. [ЎзТАГ]. Бугун қўрқ районнинг марказида янги медицина комплекси фойдаланиш учун топширилди. «Главсредазирсовхозстрой» қурувчилари уч қаватли асосий корпусни, кунига 500 беморни қабул қиладиган поликлиника ва дорихонани муддатидан илгари қуриб бердилар. Кўп профилли шифохона энг янги медицина техникаси билан жиҳозланган. Рентгенология, стоматология кабинетлари ва бошқа хилдаги даволаш ҳамда диагностика кабинетлари очилди.

Дўстликдаги касалхона ўнинчи беш йилликда чўлқуварлар учун қурилган тўққизинчи шифохонадир. Ҳозирги вақтда Жиззах даштида 61 та касалхона, учюзга яқин поликлиника ва фельдшер-акушерлик пунктлари ишлаб турибди. Касалхонадаги ўринлар беш йиллик бошидан буён кўпайиб, 1300 тага етказилди. Неча юзлаб врачлар ва медицина ходимлари чўлқуварларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилмоқдалар. Улар ҳозирги долзарб кунларда далаларнинг ўзида пахтакорларга ёрдам бермоқдалар.

КОММУНИСТЛАР ПЕШҚАДАМ

ПАРТИЯ ГРУППАСИ ТАШКИЛОТЧИСИ НАМУНА КЎРСАТМОҚДА

Урганч районидаги Ленин номли колхоз механик-ҳайдовчиси Шариф Оллабергенов ўзининг «Ўзбекистон» машинасида йиғим-теримнинг дастлабки кунларидаёқ намуна кўрсатмоқда.

Ш. Оллабергенов хўжаликда терим мавсумида ташкил этилган бир қанча йиғим-транспорт звеноларидан бирининг муваққат партия группасига раҳбарлик қилди. Колхоз партия ташкилотида «Сиз коммунист сифатида шу кузда нимани ўзингизнинг асосий вазифангиз деб биласиз?» — деб сўрашган эди, Шариф қуйидагича жавоб берди: «Машинага яхши қаралганида ва меҳнат оқилона ташкил этилганида мана шу дала учун хўжалик мутахассислари белгилаган нормадан кўпроқ пахтани терим комбайни билан териш мумкинлигини барча механизаторларга исботлашни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан».

Оллабергенов йиғим-теримнинг дастлабки кунларидаёқ ўз сўзининг устидан чиқмоқда.

Биринчи звенонинг муваққат партия группаси саккиз нафар коммунистни бирлаштирган. Уларнинг ҳаммаси группа раҳбарига тенглашмоқдалар. Партия группаси ташкилотчиси билан коммунист Раҳим Хўжаниёзов ўзаро шахсий мусобақа бошладилар — уларнинг ҳар иккаласи ҳам мавсумда 350 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олди. Энди улар ким биринчи бўлиб ўз сўзининг устидан чиқиши учун беллашмоқдалар.

Механизаторларнинг иш куни ғоят долзарб. Улар қисқа фурсатда машиналарни профилактик кўрикдан ўтказадилар, шпинделларни ювиб, ёнилғи қуядилар. Қарабсизки, янги ҳосил ортилган прицепли тракторлар тайёрлов пунктларига биринкетин йўл олади.

Бу йил колхозда мўл ҳосил етиштирилди. Шариф чигит экиб, ғўзани парвариш қилган К. Олланазаров бригадасида биринчи звено пахтани йиғиштириб олмоқда. Бригада КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига ҳар гектар майдондан 60 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш тўғрисидаги мажбурият 20 октябрда бажарилишига қатъий ишонади.

Ф. КОСТЮШКИН,
(ЎзТАГ мухбири).

Хоразм области.

Арнасой районидаги Ворошилов номли 16-совхоз пахтакорлари бу йил пландаги 20 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» териб олишмоқчи. Бу маррани эгаллаш учун пахтакор ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар янада кучайтириб юборилган. Суратда: 5-бўлим агитатори Ғ. Маҳмудов механизаторлар орасида.

А. Қўзиев фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

ДАВР ТАЛАБИ

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли, районимизда чорвачилик кенг тараққиёт йўлига кирди. Бу тармоқни саноат асосида ривожлантириш қизғин тус олди. Хўжаликларимиз етарли ишчи кучи, транспорт воситалари билан таъминланди. Хўжаликлараро асфальт йўллар қурилди, отарларда чўпонлар учун замонавий уй-жойлар, моллар учун иссиқ қўралар, қудуқлар барпо этилди. Яйловлардан самарали фойдаланишнинг комплекс планлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Ҳар бир хўжалик ўзининг озуқа-ем базасига, витаминли озуқа-ем тайёрлаш цехларига эга бўлди. Районимизнинг «Октябрь 40 йиллиги», «Шофиқон», «Коммунизм», «Партия XXII съезди» ва Калинин номли совхозларида наслчилик лабораториялари, саноатлашган ишлаб чиқариш комплекслари бунёд этилди. Бу ишларнинг ҳаммасида коммунистлар авангардлик ролини ўйнадилар. Районимиз партия ташкилоти партия қарорларини, кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишда катта жанговар фаолият кўрсатишди.

Азамат чорвадорларимиз КПСС XXV съезди қарорларини, партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни муттасил ошириб боришнинг янги резервларини кидириб топиб, ишга солишаётир. Районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, сўнгги йилида давлатга 294 минг дона қимматбаҳо қорақўл тери топиб, 494 минг бош қўзи олиб, унинг 200 мингини ўстиришга қолдириш, шу билан қўй-қўзилар сонини 550 минг бошдан ошириш мажбуриятини қабул қилиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Шунингдек, давлатга гўшт, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотиш топшириқлари ҳам ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезднинг муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ҳамма хўжаликлардаги, ферма ва отарларда кенг муҳокама этиб, жонажон партиямизнинг бўлажак ачжуманини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида зиммамизга оширилган мажбуриятлар қабул қилдик. Совхозлар, фермалар, отарлар ва чўпонлар ўртасидаги мусобақага ўз вақтида якун ясалиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан тақдирланиб борилаётир. Бу борада «Октябрь 40 йиллиги» ва «Шофиркон» совхозларининг бошланғич партия ҳамда касаба союз ташкилотлари амалга ошираётган ишлар айниқса ибратлидир. Ҳар бир фермада тантанали маросимлар майдончаси, «Ҳурмат тахтаси», «Машъал чўпонларимиз» стенди ташкил этилган. Мусобақа пешқадамлари шарафига байроқ кўтариш, уларнинг суратларини илиб қўйиш, номларини «Меҳнат шуҳрати» китобига киритиш анъанага айланиб бораётир.

«Ўзбекистон 40 йиллиги» совхози, «Коммунизм» давлат наслчилик заводи партия ташкилотларининг чорвачиликка партиявий раҳбарлик қилиш борасида тўплаган тажрибалари бугунги кунда барча хўжаликларимиз партия ташкилотлари ва коммунистларининг мулкига айланиб қолган. Район партия комитети ушбу хўжаликлар партия ташкилотининг жамоат чорваси маҳсулдорлигини ва туёқ сонини кўпайтиришда коммунистлар масъулиятини ошириш бўйича амалга ошираётган хайрли ишларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айни кунда яйловларимизда ярим миллиондан ортиқ қўй-қўзи, уч мингдан кўп туя ва йилқилар боқилмоқда. Чорвадорларимиз муҳим синов — қишлоқ арафасида жуда катта тайёргарлик ишлари олиб боришаётир. Партия ташкилотлари хўжаликларда қишловга етарли озуқа — ем, хашак жамғарилиши, иссиқ қўралар қурилиши, чўпон уйларининг ишланиши, боғча, мактаб, маданий-маиший шароитларнинг яратилиши устидан партиявий раҳбарлик қилмоқдалар. Ҳозир 55 та дағал хашакни майдалаб берадиган агрегат, 130 автомашина ва трактор тинимсиз ишлаб турибди. Хўжаликларимизда 100 минг тоннадан ортиқ дағал хашак, 800 тоннача сенаж, 1,5 минг тонна сомон, 30 минг тоннадан зиёд силос ва кўплаб миқдорда беда ғамлаб қўйилди. Хашак майдалайдиган, донадор озуқа тайёрлайдиган агрегатлар ишлаб турибди. Озуқа-ем тайёрлайдиган кўчма бригадалар ва цехларда муваққат партия группалари ташкил этганмиз. Улар иш муваффақиятли боришини таъминлашаётир.

Бу йил ҳар 100 совлиқдан 200 ва ундан ошириб қўзи олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Алпомишев, шунингдек, Ленин ордени кавалери Т. Тохтаров, Ш. Амраев, С. Абдураимов, Н. Бердиев, Е. Усанбаев каби ўнлаб чўпонларимиз ўнинчи беш йиллик планларини тўрт йилда бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида чорвачиликни тараққий эттириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш кўпинча озуқа-ем базасининг нақадар мустаҳкамлигига боғлиқ эканлигини уқтириб ўтган эди. Биз шунга амал қилиб, область партия комитети ёрдами билан Шўрқўл зонасидан ер олиб, ўзлаштириб, чорва озуқаси етиштиришга киришдик. Кейинги икки йилдан буён шу қўриқ ерлардан минг-минг тонналаб сенаж, силос тайёрлашга, кўплаб дон-дун ғамлаб олишга эришяпмиз. Райком ички ресурслардан фойдаланиб, бир йилда икки йиллик озуқа-ем жамғариш ташаббуси билан чиққан хўжаликларни, ферма коллективларини қўллаб-қувватлади. Бу ҳаракат айни кунда кенг қулоч ёзмоқда.

Районимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун авж олдирилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, чорвачиликни янада ривожлантириш ва ўнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича 1985 йилгача амалга ошириладиган амалий тадбирларни белгилаб олдилар. Ўн биринчи беш йиллик охирига борибқ, районда гўшт етиштириши 10 минг тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу 1979 йилдагидан икки баравар кўп демакдир. Жун, қоракўл тери миқдори ҳам анча кўпаяди. Қўй-эчкиларни 600 минг бошга етказамиз. Наслчилик заводларимизда тайёрланган зотли қоракўл қўйлардан 150 минг бошини бошқа хўжаликларга сотамиз.

Чорва ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берамиз. Чунончи, «СССР 50 йиллиги» совхозининг саноат комплексида гўштга топширилдиган қорамоллар вазни 450 килограммга, барча хўжаликларда қўйлар вазни 50 килограммга етказилади.

Чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш — ўн биринчи беш йилликда асосий диққат эътиборимизда бўлади. 1985 йилгача суғориладиган ерларни 12,4 минг гектарга етказамиз, яйловлардан қўшимча равишда ем-хашак етиштиришни кўпайтирамиз. Суғориладиган участкалар вужудга келтирамиз. Беда ҳосилдорлигини 200 центнергача қўтарамиз, йилига эҳтиёжимизга нисбатан 103 процент озуқа бирлиги етиштирамиз. Район ташкилотлари ва савдо корхоналарида ёрдамчи хўжаликларни ривожлантирамиз.

Районимиз коммунистлари барча тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилишида ўзларининг етакчилик, ташаббускорлик ва авангардлик ролларини ўйнайдилар, партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, паотиявий-ташкилий, тарбиявий ишлар савиясини янада оширадилар. Айни кунлардаги оммавий сафарбарлик, юксак кўтаринки руҳ шундан далолат беради.

А. ПЕТРОСЯН,
Бухоро область, Коминтерн номли колхоз механик-ҳайдовчиси.

САБЗАВОТ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Шўрчи районидаги «Коммуна» колхози давлатга сабзавот сотиш бўйича белгиланган беш йиллик планни анча ошириб бажарди. Беш йилда пландаги 5228 тонна ўрнига 6652 тонна сабзавот тайёрланди.

Хўжалик сабзавоткорлари бу йил пландаги 888 тонна ўрнига 1000 тоннадан зиёд сифатли сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб, бу борадаги топшириқни 115 процентга уддаладилар. Лафзи ҳалол сабзавоткорлар давлатга яна 250 тонна маҳсулот сотиб, йиллик планни 150 процент қилиб бажаришга аҳд қилдилар.

Колхознинг икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунист Мусурмон Сафаров раҳбарлик қилаётган бригадаси коллективи ўтган йили ҳар гектар майдондан 248 центнердан сабзавот етиштириб, давлатга пландаги 746 тонна ўрнига 990 тонна юқори сифатли маҳсулот сотган эди. Бу йил эса улар 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 260 центнерга етказиб ҳосил олдилар ва хўжаликда етиштирилган ялпи сабзавотнинг 70 процентини тайёрладилар. Бригадада ўтган йили бир центнер маҳсулотнинг таннархи 8 сўм 29 тийинга тушган бўлса, бу кўрсатгич бу йил 2 сўмга арзонлашди. Яна планлаштирилганидан 4 сўм кам бўлди.

АГРЕГАТЛАР БАРАКАСИ

Комсомол районидаги «Мирзачўл» совхози пахтакорлари райондагина эмас, балки Сирдарё областида биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. Шу кунга қадар давлатга 2170 тоннадан зиёд қўриқ дурдонаси етказиб берилди. Совхоз меҳнаткашларининг бу ютуғига Маъмур Раҳмонов, Ясин Мамедов, Эл-бой Кубаев ўртоқлар бош бўлган бўлимлар, шунингдек юқори ҳосилли Султон Холбўтаев, Норқул Жонузоқов, Раим Абдурахмонов каби пахта усталари бош бўлган бригадалар коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу кунга қадар давлатга топширилган ҳосилнинг 95 проценти «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди.

Район хўжаликларида йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. 32 та терим агрегати унумли ишлаб турибди. Совхоз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди шарафига давлатга жами 3 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—

Қадимий ва навқирон Бухорининг катта карвони шаҳдам одимлар билан марра сари яқинлашмоқда. Область пахтакорлари бу йил рекорд кўрсаткич — 700 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони ўйиш учун курашмоқдалар. Неча асрлик обидалар тез-тез ғўзга ташланиб турадиган бепоён пахта далаларини кезарканси, вужудингизни аллақандай ҳузурбахш ғурур туйғуси қоплайди. Ота-боболаримизнинг меҳнаткаш қўлларидан сайқал топган асрий миноралар каби санъат асарига ўхшаб кетадиган пахтазорларни она еримизга битилган достонга ўхшатгинг келади. Дарвоқе, «биз меҳнатни ижодиёт сифатида тушунишимиз керак», деган эди буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький.

Область деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида жами 226 минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, шундан 168 минг гектар ерга пахта экдилар. Чигит ерга ташланмасдан бурун юксак маррани кўзлаб иш бошланди. Республикамизда бўлганидек, Бухорода ҳам бу йил баҳор эрта келди. Бу экин-тикинни қулай муддатларда муваффақиятли ўтказиб олиш имконини берарди. Лекин баҳорнинг эрта бошланиши кузнинг ҳам эрта келиши демакдир. Тажрибали деҳқонлар ҳисоб-китобни шунга яраша олиб бордилар. Гарчи шундай бўлса-да, 86 минг гектар майдондаги чигитни қайта экишга тўғри келди.

Умуман олганда 1970, 1974 ва 1977 йиллар пахтачиликда қулай йиллар бўлди, деб ҳисобланади. Лекин аслини олганда бу нисбий тушунча. Ҳамма гап меҳнатда, ташаббускорона, илмий асосда қилинган меҳнатда. Бу йил область далаларида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Экин майдонлари янги ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Кейинги уч йилда областда ирригация ва мелиорация ишлари тўбдан яхшиланди. Бухоро далаларини суғоришнинг кенг программаси ишлаб чиқилди. Илғорлари шундай ҳоллар бўлардики, ирригация ишоотларининг ноқулайлиги ва ҳисоб-китобда хатоларга йўл қўйилгани сабабли айрим карталар зўрға икки-уч марта сув ичарди, холос.

Область пахтакорларининг қатор ибратли ишлари борки, буни республикамиздаги барча пахтакорлар ўрганиш-са арзийди. Буларнинг бири областдаги деҳқончилик қилинадиган далаларнинг агрохимик картасининг тузиб чиқилишидир. Ҳозир барча бригадалар дала шийпонида шу бригада ерининг таркибидаги азот, калий, фосфор ва микроэлементлар миқдори пухта аниқланган агрохимик картаси осиб қўйилган. Бу ажойиб тадбир ерга пала-партиш минерал ўғитлар солишни чеклаб, уни аниқ тартибга солади. Яна шундай қулай агротехник тадбирлардан бири деҳқонлар тили билан айтганда «микроколлектор»лардир. Культиватор орқасига қўшимча сифатида тақилган бу сих эгат ўртасини 30 сантиметргача юмшатиб кетади. Бу эса ғўза тагини юмшатиб, унинг озиқланишини яхшилайди, намликни узоқ сақлаш имконини беради. Вегетация даврида область деҳқонлари учун камида 3 миллиард кубометр сув керак эди. Бунинг учун барча зарур тадбирлар кўрилди. Шуниндек, 98 артезиан қудуқ қазилди. Ҳар бир қудуқ 100—150 гектардан майдоннинг шўр сувини коллекторларга чиқариб ташлайди. Бунинг натижасида зах тортиб ётган ер ости сувлари 1,20—1,30 метрдан 2,50 метрга тушди. Бу ерда республикада биринчи бўлиб дефолиацияда янги «УДН» препарати ишлатилди. Булар Бухоро деҳқонларининг беш йилликнинг сўнгги, съездолди йилини муваффақиятли якунлаш, партиямиз XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари билан бориш йўлида қилган самарали меҳнатларининг бир қисми, холос.

Катта меҳнат, сидқидилдан тўкилган пешона тери-дан яралган мўл ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олгандан сўнггина пахтакорнинг кўнгли жойига тушади. Областда йиғим-теримга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги ташаббусларини маъқуллаган пешқадам Ромитан райони пахтакорларининг ишлари барчага ўрнак бўларлидир. Ипатоволиклар тажрибаси асосида ишни ташкил этиб, районда 22 та терим-транспорт отряди ташкил этилди. Отрядлар 300 пахта теріш, 53 та қўрак чувиш, 25 подборщик, 363 транспорт прицепи билан таъмин этилди. Мавсумда 500—700 тоннадан пахта теришга аҳд қилган Раҳим Нарзуллаев, Аҳмад Ҳамроев ва Ҳаловат Пирова каби механик-ҳайдовчилар ҳар куни хирмонга 10—15 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Робия Абдуллаева, Бибиражаб Қодирова, Ойбонд Қиличева, Холбегим Султонова ва Зуҳра Комилова сингари чеварлар ҳар куни 200 килограммга етказиб «оқ олтин» термоқдалар. Районда биринчи бўлиб маррага етган «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноева бошқарувчилик қилаётган бўлими деҳқонлари ҳар гектар ердан 55 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Республикада биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келган ромитанликлар жами 63 минг тонналик хирмон учун курашмоқдалар. Бу йиллик пландан ташқари 20 минг тонна пахта демакдир. Шунда гектар бошига ҳосилдорлик 52 центнерга етади. Бу республика районлари бўйича рекорд кўрсаткич бўлади. Районнинг Ўғилой Олтинова, Шароф Шукуров, Фатулла Саъдуллаев ва Негбой Музафаровлар бошлиқ бригадалари заршунослари 65—70 центнерлик хирмон учун ғайрат қилмоқдалар.

Областнинг Қизилтепа райони кейинги беш йилликда қаддини ростлаб олган, пахта етиштиришда жиддий муваффақиятларга эришган районлардан биридир. Сўнгги бир неча йил ичида районда биргина ингичка толали пахта етиштириш 4 минг тоннадан 12 минг тоннага кўтарилди. 1976 йилда район бўйича 23 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1973 йилда 38 минг тонна ва ниҳоят 1979 йилда 43 минг тонна «оқ олтин» тайёрланди. Меҳнаткашлар даромади ҳам шунга яраша. 1976 йилда жами 16 миллион сўм фойда кўрилган бўлса бу кўрсаткич 1979 йилда 36 миллион сўмни ташкил этди.

Биз район партия комитетига пахтакорларнинг сим орқали республика радио йўқламаси ўтказилганидан сўнг галдаги вазифаларга бағишланган кенгаш давом этаётганда етиб бордик. Пахтакорлар олдида турган муҳим вазифалар, пахта йиғим-теримини қисқа фурсатда ўтказиш борасидаги ишлар ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари Нусрат Ҳикматов қуйидагиларни таъкидлади:

— Дўстлар, районимиз пахтакорлари 1977 йилда республикада 18-ўринда, 1978 йили 14-, 1979 йили эса 12-ўринда ғалаба манзилига етиб келган эди. Нақотки бу йил биз умумхалқ социалистик мусобақасида орқада қолсак! Биз бор куч ва имкониятларимизни теримга сафарбар этишимиз керак! Сартарош ҳам, новвой ҳам, этикдўз ҳам дала бошида бўлиши керак! Ҳамма ерда иссиқ овқат, чой ва зарурий маданий-маиший қулайлик бўлсин.

Дарвоқе секретарнинг қуйиб-пишганича бор. Қайта экиш оқибатида ғўзанинг ўсишида рўй берган фарқ терим суръатига таъсир қилмай қолмади. Лекин бу ҳеч гап эмас. Деҳқонлар қалбида она тупроғимиз шуҳратини оламга ёйётган «оқ олтин»ни Ватан хазинасига тезроқ ва созроқ етказиб бериш истаги алангаланмоқда. Бу қўлга киритладиган ғалабалар пойдеворидир.

Қизилтепа райони, умуман Бухоро ҳақида гап кетар экан бугунги кунда жасорат ва матонатнинг синов майдонига айланаётган Ўртачўл массиви ҳақида гапирмай ўтиш мумкин эмас. Область бўйича жами 530 минг гектар ер ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, бунинг 200 минг гектари Ўртачўлдадир. Ўртачўл ўзлаштирилишининг бошланиши, бунда коммунистлар олиб борган мардонавор меҳнат тўғрисида Нусрат ака Ҳикматов яна қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Районга дастлабки келган кунлардаёқ янги ер ўзлаштириш режаларини туза бошладик. Район территориясидан анча олисда бўлган Ўртачўл массиви кўпларни оҳанрабодек ўзига тортарди. Райком бюроси аъзолари билан маслаҳатлашиб, ўн нафар донгдор пахтакор, райком аъзолари, район Советига депутат бўлган илғор бригадиларни тўпладик. Биргалашиб Ўртачўлга ҳужумни планлаштирдик. Ўн нафар бригада бошлиғини чақириб Ўртачўлга жўнатаётганимиздан хабар топган бошқа бригада бошлиқларига ёр ижобий маънода «тегиб» кетибди. Чўлга боришга аҳд қилган бригада бошлиқлари сони 30 нафардан ошиб кетди. Бу эса камида 3000 гектар янги ер очиш имконини берарди. Жуда муҳим, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган иш оддийгина, оддий меҳнаткаш коммунистларимизнинг қатъий бир қарори билан бошланиб кетди. Лекин вазият оғир эди. Ўз-ўзидан районда бунча ери текислайдиган ва ҳайдаб экадиган ортиқча техника йўқ эди. Нима қилиш керак? Ердам сўрадик. Қурилиш, ирригация ва сув хўжалиги ташкилотлари кўмак берди.

Чўлда бошланган ишимизни кўриб республикамиз партия ва ҳукумати раҳбарлари Ўртачўл чўлқуварларига алоҳида меҳр-муҳаббат билан ғамхўрлик кўрсатдилар. Бу ғамхўрликнинг натижасида бу ердан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Худоёр Сулаймонов каби донгдор пахтакорлар етишиб чиқди. Ўртачўл бошқа районларнинг пахтакорлари қалбига ҳам чўт ташлади. Натижада ҳозир бу ерда 18 минг гектар ер ўзлаштирилди. Ҳадемай, шинам посёлкалар қад кўтаради. Қарноб насос станцияси қуриб битирилгач, яна 18 минг гектар майдон обиҳаёт билан таъминланади.

Ўртачўл мардларининг сардори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр ака Сулаймонов билан суҳбатимиз пахта даласидан икки қаватли шийпондаги чўлни ўзлаштириш тарихи ҳонасига кўчади.

— Бу йилни пахтачилик учун ўтган йилдагига нисбатан қулай дейишади. Умуман бу гапда жон бор. Лекин шу гапга суяниб сал бепарво бўлдиринги мўлжални қўлдан бой бердим деяверинг, — дейди Худоёр ака. — Мана сизга бир мисол. Шу ёзда Ўртачўлда бир ҳафта мобайнида ҳарорат баланд бўлди. Бундай пайтнинг ҳам ўз тадбири ва агротехникаси бор. Ғўзани чанқатиб қўйишнинг оқибати маълум. Халқимизда қалин чош келтиради, сийрак бош (бошоқ маъносида) келтиради деган ҳикмат бор. Гектари тўлиқ деҳқоннинг кўнгли ҳам тўла, иши баракали бўлади. Биз 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганмиз. Бригадамиз далаларида пахта тераётган Ленин ордени кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Тўйбиби Бобоназарова, Асрор Аслонов ва Ғаффор Қодировлар 300—500 тоннадан пахта теріш мажбуриятини олишган.

Қизилтепада социалистик мусобақанинг ажойиб, оммалаштирилса арзигулик бир формаси қўлланилибди. Эрта баҳорда, наврўз байрамида райондаги барча бригада бошлиқлари район партия комитетига тўпландилар. Райкомнинг биринчи секретари Нусрат Ҳикматов 100 та белбоғни олиб келиб минбарга қўйди-да эълон қилди.

— Ким кимни социалистик мусобақага чақириб, гектар бошига қанчадан ҳосил олишга бел боғлайди? Юрагида ўти, белида қуввати борлар, марҳамат, минбарга!

Шунда 23 нафар бригада бошлиғи ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил етиштириш учун белига белбоғ боғлади. Қолганлар олтмиш, эллик беш ва эллик центнерданга белбоғ боғлашди. Шундан бошлаб пахтакорлар бир-биридан «сен неча центнерданга бел боғлагандинг?» дея сўрашадиган бўлишди. Бу тадбир ўзаро мусобақага алоҳида ижодий ва оммавий тус берди. Социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Нарзулла Ўбайдов, Халил Расулов, Ғаффор Мирзаев, Ғайбулла Тўлаев, Темур Пўлатов, Нарзи Омонов, Ахтам Давронов, Ато Азизов ва Қувват Зоиров каби миришкорлар ингичка толали пахтанинг ҳар гектаридан 50—55 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Хайрлашаётган чоғимизда Худоёр ака Сулаймоновнинг айтган сўзи қалбимизни тўлқинлантириб юборди: «Биз қаерда деҳқончилик қилмайлик, қандай экин экмайлик, рекорд ҳосил олишмиз турган гап. Энди биз бунга кўникма ҳосил қилдик». Бухоро чўлқуварлари юрак сўзларини бундан бошқача ифодалаш ортиқча.

Жасорат, жасорат дейміз-у, кўп ҳолларда бу туйғуни бус-бутунича ҳис эта олмаймиз. Райком минбарида ўтирган кўринишдан ўн саккиз ёшлар чамасидаги қизнинг кимлигини сўрадик.

— Райкомнинг бюро аъзоси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи Мавжуда Шарипова, — деди ёнимизда ўтирган киши.

Ҳа, шу жуссаси ва ёши билан унинг бажараётган иши чинакам жасоратдир. Мавжуда бошлиқ деҳқонлар 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан, жами 380 тонна ипак пахта етиштириш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Леонид Ильич Брежнев машҳур «Қўриқ» асарида «дон бўлса қўшиқ ҳам бўлади» дея бежиз таъкидламаган. Бу меҳнат деб аталмиш юксак умуминсоний туйғунинг санъат даражасига кўтарилишидир. Шунинг учун ҳам ҳалол, фидокорона меҳнат бор жойда қўшиқ бор. Баҳодирлар маскани Бухорода бундай қўшиқлар баралла янграмоқда. Бу қўшиқлар улуғ инсонлар қўлидан сайқал топаётган қадимий обидалар, бегубор ва бепоён пахта далаларида акс садо бериб янграмоқда. Бу пешқадамлар сафида бораётган илғор Бухорининг бахт қўшигидир. Бу қўшиқ —кўзимизнинг нури, қалбимизнинг қўри, юрагимизнинг уриши ва лафзимизнинг ҳалоллиги — «оқ олтин» қўшигидир.

Саъдулла КАРОМАТОВ,
Нурали ҚОБУЛ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИУЛЛАНМАСИ БИЛАН

БАХТ ҚЎШИҒИ

АВТОЛАВКА ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Гулистон районининг азамат дала меҳнаткашлари етиштирилган мўл пахта ҳосилини сира нобуд қилмай тез ва соз йиғиштириб олиш йўлида кеча-кундуз жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда районда йиллик планнинг 5—5,5 процентга миқдорида пахта тайёрлаб давлат омборларига топширилмоқда. Райондаги «Октябрь», Фрунзе номли, «Намуна», Ленин номли колхозларда эса кунлик суръат бундан ҳам юқори. Шу нарса кувончлики, райондаги барча хўжаликларда марказлаштирилган, ошхоналар ташкил этилган ва улар ҳар куни дала меҳнаткашларини лаззатли иссиқ овқат билан таъминлаяпти. Район маданият бўлимининг мудири Абдуллажон Эшонқулов раҳбарлигидаги агитпоезд хизматидан ҳам кўпчилик мамнун. Агитпоезд коллективи қисқа вақт мобайнида хўжаликларнинг бригадаларига 20 га яқин рейд уюштириб, далада ишлаётганларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда.

Бироқ ҳамма ерда аҳвол бирдай эмас.

Район матлубот жамияти правлениеси томонидан пахта йиғим-терими мавсумида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш юзасидан махсус тадбир ишлаб чиқилган эди. Бу тадбирга асосан 5 та автолавка райондаги мавжуд 9 та хўжалик пахтакорларига мунтазам савдо хизмати кўрсатиб туриши лозим эди. Районда йиғим-терим ишлари кун сайин авж олмоқда. Лекин кўпгина хўжаликлар меҳнаткашлари автолавка юзини кўрганлари йўқ. Гулистон район матлубот жамияти правлениесининг раҳбарлари (правление раиси Қўзибой Уроқов) нахотки ўз тадбирларини кўзбўямачилик учун тузишган бўлса?

Ўртоқ Г. Адибекянц раҳбарлик қилаётган район маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи шаънига ҳам ана шундай эътирозларни билдириш мумкин. Комбинат маъмурияти ҳар бирида биттадан сартарош, сураткаш, этикдўз ҳамда бичувчи, тикувчилардан иборат иккита бригада тузиб уни пахтакорлар хизматига сафарбар этишга ваъда берган эди. Бироқ ҳозиргача агитпоезд составида юрган бир нафар сартарошни ҳисобга олмаганда юқоридаги тадбирлар ҳам бажарилмай, қоғозда қолиб кетяпти. Афтидан район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари ҳам пахтакорлар хизматига ошиқмаётганга ўхшайдилар.

Бундай ҳол қачонгача давом этади? Пахтакорлар тегишли раҳбар ўртоқлардан ана шу саволга жавоб олишни истайдилар.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

РИЗҚИ РЎЗ

Айни долзарб палла — терим авжида,
Далага кўчгандек бутун бир олам.
Мактаб боласидан тортиб пенсионер —
Кекса ҳам жадаллаб: — Ҳа, бўл, дер, болам!

Пахта-ку кўзимиз нури, ризқи-рўз
Умидли дунёнинг орзу-хаваси.
Ҳар нафас ғанимат мўл ҳосил учун!

Бир нима деб бўлмас, кузнинг ҳавоси...
Йил бўйи қилинган меҳнат, парвариш
Юлдуз чаноқлардан юз очган куни.
Толадан тог қадар хирмон кўтарган
Азамат заршунос англайди буни.
Техника бор бўлсин, мададкор бизга,
Ҳар ерда ҳамиша тутган қўлимиз.
Зафар карвонлари довон ошарди,

Ойдинли, кенг равон бўлди йўлимиз.
Манзил яқин қолди, шаҳдимиз баланд,
Қўлин қўлга бersак ишимиз унар.
Пахта мўъжизадир, пахтакорликнинг —
Минг бор китоби бор, турмуш — ҳунар.
«Ҳа!» десак албатта дард қолмаймиз, йўқ
Эрта-кеч шу бизнинг фикру ўйимиз.
Бугун қаловини келтирсак ишнинг,
Эртага бошланар шодлик тўйимиз.

Толиб ИЎЛДОШ.

КПСС XXVI СЪЗДИГА

90 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли совхоз коллективи ўтган йили тайёрланган ингичка толали пахтанинг 75 процентини машиналар бункеридан тўккан эди. Улар бу йил янги ташаббус билан иш бошлашди. 2400 гектар майдонда етиштирилган мўлкўл ипак пахтанинг 90 процентини «пўлат этак»лардан тўкишга аҳд қилинди. Бунинг учун сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб сифатли дефолиация ўтказилди. Ғўза барги тўлиб тўкилиб бўлгач, хўжалик ихтиёридаги 60 та терим агрегати бешта отрядга бўлиниб иш бошлади.

Донгдор механизатор, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ўғилой Жўраева мавсумда 400 тонна, Бердихол Тошева, Чўпон Эгамбердиев, Жўра Қорабоев, Қурбон Ғаниев, Жума Саманов, Ўрол Алимардонов, Ҳамро Қораев, Барот Бегимқулов каби моҳир механизаторлар 300—350 тоннадан ипак пахтани машиналарда териб бериш мажбуриятини олиб пахтазорда жавлон урядилар. Уларнинг ҳар бири кунига 10—12—15 тонна ва ундан ҳам ошириб ипак пахта теряпти.

Ҳозирги долзарб паллада совхозда ҳар куни йиллик планнинг 7—8 процента миқдорида ипак пахта тайёрланмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Ленин ордени кавалери Бозор Норалиев, Панжи Тошонов, Жума Аҳадов, Бобоёр Эшназаров, Бобониёз Ҳошимов, Бозор Тоғайназаров, Омонгул Қувондиқова бошлиқ 45—55 центнерчи бригадалар маррага яқинлашиб қолдилар. Улар биринчи машина теримидаёқ ҳар гектар ердан 33—35 центнер ва ундан ҳам зиёд ипак пахта ҳосили олишяпти.

Совхоз коллективи ўтган йили давлатга 7600 тонна ипак пахта сотиб, ҳосилдорликни гектарига 35 центнерга етказган бўлса, бу йил ялпи ҳосилни минг тоннага кўпайтириш, ҳосилдорликни гектар бошига 5 центнерга ошириш, йиллик пахта тайёрлаш планини 15 октябргача, юксак социалистик мажбуриятни эса октябрь ойи ичида бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

Пойтахт области механизаторлари якунловчи йилда эўр гайрат билан ишлаб, КПСС XXVI съездига муносиб армуғонлар тайёрлашмоқда. Суратда: Бўна районидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори А. Орипов. У ҳар куни 10—12 тоннадан «оқ олтин» термоқда.

А. Тўраев фотоси.

ИККИ ШЕЪР

ТОЛАЛАР ҚЎШИҒИ

Олтин тарвуз — бош узра қуёш,
Уфқларни ўпар далалар.
Ҳар бир дилни тортади яккаш,
Оқ толалар,
Оппоқ толалар.

Бобо деҳқон умид, ишончи,
Дилидаги эзгу-яллалар,
Гоҳ заҳмати, гоҳда қувончи—
Оқ толалар,
Оппоқ толалар.

Шуълапардай майин, жилвадор,
Сочиладн тонгги паллалар.
Минг-минг кўзнинг боқишлари бор
Оқ толалар,
Оппоқ толалар!

Тома-тома улкан тоғ бўлур...
Шу толалар Ерни аллалар,
Эл белига минг белбоғ бўлур —
Оқ толалар,
Оппоқ толалар-

ТУПРОҚ МЕҲРИ

Кўп элларни сайр этдим,
Ёзилди дил орзуси.
Ҳамма ернинг ўз иқлими,
Бор ўзгача ҳавоси.
Ҳамма ернинг ўз тошию
Ҳамда ўз тарозуси,
Аммо ҳамма ерда бирдир
Одамзод муддаоси!
Бу муддао — она Ерга
Ҳар дилнинг муҳаббати,
Ерга меҳр қўйиб, ундан —
Меҳр олиш одатдир.
Шу тупроқда, шу заминда
Ҳар одамнинг ўз бахти,
Эл меҳрини қозониб,
Яшамоқ саодатдир!
Бир тупроқда қайин магрур
Бирда арча ям-яшил
Бирда эса шамшод терак
Бўй чўзади эрка, шод.
Қаердадир кун парчаси —
Лимон, банан серҳосил,
Эҳ, барчаси инсон билан....
Инсон билан Ер обод!
Қайга борсам, «қаерликсан!»—
Деб сўраса ким агар:
Ғурур билан — Ўзбекистон
Элим дея айтаман.
Бу шундайин бир тупроқки —
Ҳар зарраси дур-гавҳар,
Бу шундайин бир тупроқки —
Дилим дея атайман!
Шу тупроқнинг фарзандиман,
Тўкилдир дастурхони,
Олма, анор, анжирлари
Лабин лабга улайди.
Бир томонда улкан тоғлар,
Яшил боғлар бир ёнин,
Кимки бир кун меҳмон бўлса,
Мангу иқбол тилайди.
Кимлар ёниб куйламаган
Бу ўлкани ҳар замон
Кимлар ширин суҳанида
Сўйламаган бу ҳақда.
Менга қолса, бу тупроқни
Довруғин этган достон —
Она халқим, деб атардим,
Ҳамда бир сўз, бу —
ПАХТА!

ТЎЛҚИН.

КЕКСАЛАР ҲИММАТИ

Эшмон бобо Шириновнинг ёши 70 да. Бу нуроний отахон 35 яшар пайтида она-Ватанни фашистлардан ҳимоя қилиш учун отланганди. У кўплар қатори Сталинграддан Берлингача жанг қилиб борди.

Эшмон бобо Ширинов урушдан кейин пахтачилик билан машғул бўлди. Пирибадавлат хонадонининг бошлиғи бўлиб танилди. Иштихон районидаги қўриқ «Янгикент» совхозида кексалик гаштини сурмоқда.

Эшмон бобо Ширинов кексалигига қарамай доимо пахтазорда. У ўғил-қизлари, неваралари, қишлоқдошлари билан пахта, дейди. Пахта ишки билан яшайди. Ҳар йили белига этак боғлаб «оқ олтин» теради. Шу кунларда у 35—40 килограммдан пахта териб, совхоз кексаларига ўрнак бўлаётир.

Биз билан суҳбатда совхоз директори Акбар Валиев бундай деди:

— Совхозимиз деҳқонлари бу йил 4500 тонна чўл дурдонасини Ватанга инъом қиладилар. 1505 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бош вазифамиз пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб, қабул пунктларига вақтида етказиб бериштан иборат.

Пайкаллардаги мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай териб олишда кекса отахон ва онахонларимиз ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Ҳозир далаларда 150 дан кўпроқ уруш ва меҳнат ветеранлари ҳиммат кўрсатмоқдалар.

Совхозда Эшмон бобо Шириновлар сафи тобора кенгаймоқда. Теримда оилавий мусобақадошлар ҳаммани қувонтирётир. Анжибобо Жўраевнинг ёши 74 да, уруш қатнашчиси. Унинг турмуш ўртоғи Жангил момо Жўраева 69 ёшда. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 40—45 килограммдан пахта тўкишяпти.

Етмиш яшар Сайфулла бобо Жиянов колхоз тузумининг ветерани. У киши кўп йиллар бригада бошлиғи, ҳосилот совети раиси ва колхоз раиси бўлиб ишлаган. Ҳозир пенсияда. Тиниб-тинчимас ветеран Сайфулла бобо ҳам белига этак боғлаб пахта термоқда.

Б. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЯККАБОҒ. Райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг О. Мусаев бошлиқ бригадаси пахтакорлари гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Башорат Ҳайитова, Улжон Эшқурбонова, Ойша Бобоёрова каби кўпминг килограммчи теримчилар хирмонга катта ҳисса қўшдилар. Пахта терими жадал давом эттириляпти.

Ҳ. ТУРДИЕВ.

●

ҚУВА. Димитров номли колхознинг А. Раҳмонов бош бўлган бригадаси теримда пешқадамлик қиляпти. Бригада аъзолари 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун мусобақани кучайтиряпти. Мавлудахон Ортиқова, Мақсудахон Тожибоева, Одинахон Юсупова, Анорхон Раҳмоноваларнинг ҳар бири кунига 200 килограммга етказиб пахта теряпти.

М. МАҲКАМОВ.

◎

САРИОСИЕ. «Коммунизм» совхози пахтакорлари бу йил 15 минг тонна «оқ олтин»ни тайёрлашга аҳд қилишган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳанифа Орзиқулова, Маматқобил Аҳмедов, Ҳикоят Бобоевалар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 50—55 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Бу бригадаларда терим дақиқалар сайин кучайтирилиб, кунига тайёрлов пунктига 5 процентга етказиб пахта топшириляпти.

М. ТИЛАКОВ.

●

МОСКВА. Райондаги «Ленинизм» колхози пахта теримида уч беш кунликдан бери ғолиблиги эгаллаб, район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб турибди. Омон Исомиддинов, Тожиддин Тожибоев каби механик-ҳайдовчилар колхозининг 40 центнерлик хирмонига барака киритмоқдалар.

С. ШАРОФИДДИНОВ.

●

НАРПАЙ. Съезд шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган Нарпай районидаги Ҳамза номли совхоз пахтакорлари зафар қучдилар. Ҳар гектар пахта майдонидан 26 центнердан ҳосил олинди. Планнинг бажарилишига гектаридан 35—38 центнердан хирмон кўтарган Мамазиё Қўчқоров, Мирзо Ғадоев бошлиқ бригадалар саппоқли ҳисса қўшдилар. Бу бригадалар ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Ҳосилнинг асосий қисми агрегатлар билан териб олинди. Механизаторлардан Иззат Хўжаев ва Саъдулла Кўчимовлар машина теримида карвонбошилик қилишди. Улар ҳануз икки-уч норма ҳисобида пахта теришяпти.

Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Бу уларнинг КПСС XXVI съездига муносиб туҳфаси бўлади.

Ёзувчилар пахта далаларида

ҚАШҚАДАРЁ ШИЖОАТИ

Қашқадарёлик пахтакорлар ҳам республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Азаматларнинг руҳи баланд. Чаман бўлиб очилган пахтазорларда қайноқ меҳнат сурури ҳукм сурмоқда.

Бу ерда чўл шамолларига, жазирамаларига, шўр ювишларига чидаганлар деҳқончилик қилади. Қўриқ ерларда ҳосилдорликни ҳар гектар ердан тўққиз центнердан 65 центнерга етказгунча қилинган улкан ишлар кишини ҳайратга солади.

Бунда қурилган Амударё сувини кўтариб берадиган олтита қудратли насос станциясини кўриб, мўъжиза, дейсиз. Бу насослар дарё сувини 140 метр баландликка чиқариб Толимаржонда янги дарё яратади. Мана шу янги дарё Москва, Қарши каналлари ва юзлаб бетон ариқлар орқали далалар бағрига кириб боради. Қарши чўли истиқболи аввало сувга ва яна сувга боғлиқ. Шунинг учун бу ерда бир неча километр узунликда Панжкамар, Чимқўрғон, Толимаржон сув омборлари қурилган.

Қарши чўлининг қаеригаки сувнинг «қадами етган» бўлса, у ерда қудратли ҳаёт қайнайди, пахтазорлар мавж урди. Унинг биринчи беш йиллиги ўзидагина Қарши чўлида беҳисоб қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Янги қишлоқлар, районлар қад кўтарди.

Нишон янги район, тузилганига эндигина олти йил бўлди. Район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган зоотехник Жўра Хушназаровнинг ҳикоя қилишича, шу олти йил ичида район ҳар жиҳатдан беқиёс юксалди. Район тузилганида (1974 йил) 6 хўжалик бўлган бўлса, 1979 йилга келиб хўжаликлар сони 18 тага етди. Район бағридан Толимаржон, Усмон Юсупов районлари ажралиб чиқди. Дастлаб 16 минг гектар ерга деҳқончилик қилинган бўлса, ҳозир олтита йирик пахтакор совхоз 38 минг гектар пахта майдонига эга. Ўтган йили 60 минг тоннадан зиёд пахта хирмони кўтарилди. 40—60 центнерчи бўлимлар, бригадалар қанчадан-қанча. Табиийки, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Аввало, 20—30 километр узунликда бешта бетон ариқ қурилди, Аму—Қарши каналидан сув келтирилди. Бу бетон ариқнинг талай дала тармоқлари узунлиги 1 минг 186 километрни ташкил этади. Чўлдан ҳосил олиш осон эмас. Шўр обдон ювилмаса, чигит кўкармайди. Шунинг учун ҳам 2 минг 323 километр миқёсдаги зовурлар, ташламалар қазилди. Чўлқувар пахтакорларнинг турмуш маданияти, ҳаёт тарзи замон талабига жавоб берадиган даражада бўлишига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Биз Карл Маркс номли совхозда бўлганимизда районнинг «Нурафшон» ҳамда «Нишона» ҳаваскорлик ансамблари санъаткорлари пахтакорларга тушлик чоғи концерт қўйиб бераётганлиги устидан чиқдик. Совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Тошпўлат Тўраевнинг ҳикоя қилишича, хўжаликда ҳосилдорлик йилдан йилга ошиб бормоқда.

Хўжалик азаматлари ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун фидокорона меҳнат қилишмоқда. Ҳар куни Батан хирмонига 150—160 тоннадан зиёдроқ совхоз «оқ олтин»и тўкилмоқда. Бу — йиллик планнинг 4—5 процентини ташкил этади. Совхознинг шижоатли пахтакорлари 9 минг тоннаник улкан хирмон учун курашмоқдалар. Хўжаликнинг ўнлаб бўлими, бригадалари шу кунларда қўшимча мажбурият ҳисобига пахта бермоқда. Совхоз далаларида 33 та терим машинаси кечакундуз бетинам ишлаяпти. Норбой Номиев, Парда Саидов, Эргаш Эльбоев, Назар Туробов, Тўла Бердиев каби механизаторлари ҳар куни 15—20 тоннадан пахта теряпти. Уларнинг ҳар бири мавсумда 200—400 тоннадан дурдона теришга азм қилган.

Нишон районининг бошқа хўжаликларида ҳам терим қизғин. Айниқса, «Пахтаобод», Усмон Юсупов номли совхозларда кўтаринки меҳнат ҳукм сурмоқда. Нишонликлар ҳар дамни ғаниматдек билиб, меҳнатлари самараси — чаман-чаман бўлиб ётган пайкаллардаги «оқ олтин»ни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олиш ҳаракатида.

Қамашининг «Марксизм» колхозида бўлсангиз, қал қўтараётган обод шаҳарчани кўриб ҳайрон қоласиз.

— Бош лойиҳа бўйича 500 хўжаликка ҳамма қулайликларга эга уйлар қурилади, — дейди колхоз раиси Абдуллажон Боллиев. — Бундан ташқари клуб, кинотеатр, боғча, медпункт, магазин, ошхона, мактаб; аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бинолар тикланяпти. Ҳозир 110 хонадон ҳовли тўйлари қилиб, кўчиб келишди. Шаҳарча номини Бўстон қўйдик. Пахтакорларга яратилган бундай қулайлик уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига ундамоқда.

Колхоз далаларидаги фидокорона меҳнат ана шундан далолат беради. Хўжаликнинг Жалил Алиқулов, Матмурод Абдуалимов, Ўроз Ҳайдаровдар бошлиқ бригадаларида кунлик ўсиш 8—10 процентни ташкил этмоқда. Қамашиликларнинг чеҳрасидан ғайрат, бораманзилга ишонч ёғилиб турибди.

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳақбой Эгамбердиев директорлик қилаётган «Гулистон» совхози далаларида ҳам терим авжида, планларини тўлдириш учун Қурбон Раззоқов, Хилмон Эргашев каби бригадирлар анча.

— Районимиз катта. Унда пахтачилик хўжалигимиз бор. План, мажбуриятимиз ҳам юқори, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Мамашоҳ Оллоёров,—теримни ҳамма наосани шай қилиб уюшқоқлик билан бошладик.

СССР Олий Советининг депутати Гулбаҳор Нуриллаевани Қашқадарёда таниймайдиган одам кам. Унинг номи меҳнат туфайли элга танилди. Гулбаҳорнинг бригадасида («Коммунизм йўли» колхози) бўлганимизда шодиёнанинг устидан чиқдик. Машҳур маккажўхорикор эндиликда пахтачилик борасида ҳам катта зафарларини қўлга киритмоқда. Уша куни Г. Нуриллаева кўшимча мажбуриятини ҳам ошиғи билан бажарипти.

— Бригадамиз далаларида ҳали пахта кўп, бир тола ҳам қолдирмай териб олиб, давлатга топширамиз. Планимизни 200 процентга етказиб бажарамиз! — дейди Гулбаҳор.

Гулбаҳор умр йўлдоши билан машинада ҳамма ишни — ғўзаларга ишлов беришни ҳам, йиғим-теримни ҳам бажармоқда экан. Ҳа, ҳозир бу оилавий экипаж машинада пахта беряпти. Шу кунгача 400 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд қилиди.

Қашқадарёда бундай оилавий экипажлар кўплаб топилади. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда Гулбаҳорнинг издошлари — Бойимурод Ашуров, Абдулла Ҳақбердиев, Ҳамро Баратовлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 50—65 центнердан ошмоқда. Донгдор пахтакорнинг бригадаси азаматларидан, орқада қолмасликка эришмоқдалар.

Чироқчи районида далаларида ҳам «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Йиғим-терим суръати кун сайин ошмоқда. Куни кеча Охунбобоев номли совхоз пахтакорлари давлатга икки минг тонна пахта топшириб, районда биринчилар қатори зафар қучди. Айни чоғда улар улкан хирмонлари салмоғини уч минг тоннага етказиш учун меҳнат қилмоқдалар. Бу йил чироқчиликлар ўн уч минг беш юз гектар ерга чигит эккан эдилар. Шу майдоннинг ҳар гектаридан 30—35 центнердан ҳосил олиш район пахтакорларининг азми-қарорига айланган. Яъни бу Чироқчи хирмони 40 минг тоннадан ошади, деган гапдир. Яқин йиллар ичида ўзлаштирилган Кўкдала, Чиял, Бўронжўз, Чилжувуд, Аччиқсой, Кўктош каби массивларда ҳам мўл-кўл «оқ олтин» етиштиришга пухта замин яратилган. Ҳамма гап — етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишдадир.

Бу йил районда ғалладан ҳам тенгсиз ҳосил олинди ва беш йиллик план ҳам ортиғи билан бажарилди.

Ҳа, Чироқчи районида хўжаликларида терим суръати ҳозирги кун талабидан ортиқ, «зангори кема» капитанлари ҳам, теримчилар ҳам районнинг «оқ олтин» хирмонини қисқа муддат ичида тиклаш учун суръатни оширмоқдалар. «Партия XXIV съезди» колхозининг машҳур механизатори Саодат Юсупова ўн кун ичида юз тоннадан ортиқ хирмон ўйди. Унинг аҳди бу йилги терим мавсумида колхоз хирмонига уч юз тонна «оқ олтин» териб тўкишдир.

Мана шундай қалби қайноқ теримчиларнинг фидокорона меҳнати ҳам Қашқадарё воҳасида пахта йиғим-терими қизғин авж олиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳар куни қишлоқдан районга, райондан областга, областдан Тошкентга учаётган хушхабарларнинг кети узилмайди. Бунинг сабаби — областда коммунистлар ташаббускор, мусобақада машъал. Обком, район раҳбарларидан тортиб, ҳамма масъул ходимларгача далада. Бу чўлқувар областнинг кексиз пахтазорларида жанговар ҳолни кўриб, азамат қашқадарёликлар ҳам КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб туҳфа — улкан пахта хирмони ўйиш билан кутиб олишларига ишончимиз комил бўлди.

Восит САЪДУЛЛА,
Султон АКБАРИЙ.

Шоли — давлатга

АРМУҒОН

Айни шу долзарб кунларда шоли ўриш, янчиш ишлари Қорақалпоғистон Автоном республикасининг ҳамма хўжаликларида Тахтакўпир райони шоликорларининг ташаббуси асосида олиб борилмоқда. Қўнғирот районидаги шоличиликкa ихтисослаштирилган Чапаев номли совхознинг азамат деҳқонлари ва механизаторлари ҳар йили шоли етиштириш, тайёрлашда рекорд кўрсаткичга эришиб келмоқдалар. Ўтган йили улар ҳосилдорликни гектар ҳосилига 60 центнердан ошириб юбордилар. Унинчи беш йиллик учун белгиланган план ва топшириқлар муддатидан бир йил олдин бажарилди.

4600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи хирмонни 30 минг тоннага етказиш учун кураш олиб бораётган совхоз шоликорлари ўрим-йиғимни ипатоволиклар иш тажрибаси асосида олиб боришяпти. Ишни тезлатиш мақсадида совхоз дирекцияси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари бутун чоралар билан ташкилий, хўжалик ишларини қайта кўриб чиқиб, шоли ўриш, янчишда ишлаётган комбайнчиларни 60 тага, жатклар сонини 50 тага етказдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Уббониёз Бекниёзов раҳбарлик қилаётган бўлим шоликорлари социалистик мусобақада ҳамон пешқадамликни қўлдан бермаяптилар. Бу бўлимда шоли ўриш, янчиш ва тайёрланган шолини қабул пунктларига етказиб бериш конвейер усулда олиб борилаётир. Шу бўлимнинг М. Еқубов, М. Бекниёзов, Ж. Ўтамуродов каби жаткачилари ҳар сменада 6—8 гектаридан шоли ўриб, мусобақада намуна кўрсатмоқдалар.

Ю. Иброҳимов раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидаги бригадада 360 гектар майдондаги шолининг ярмидан кўпи ўриб бўлинди. Иккинчи бўлимнинг Ў. Ўтепов раҳбарлик қилаётган бригадасида 150 гектар майдондаги шолининг 95 гектари, шу бўлимнинг Н. Қулжонов бошлиқ бригадасида 150 гектар майдондаги шолининг 81 гектари ўрилди ва янчилди. Бу коллективларда ҳосилдорликни гектар бошига 75—80 центнерга етказишга қарор қилинган.

1981 йил ҳисобига маҳсулот топшираётган совхоз шоликорлари ўнинчи беш йиллиннинг якунловчи йилида камида 30 минг тонналик шоли хирмони бунёд этишга аҳд қилганлар. Бу совхоз коллективининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб армуғони бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАР БИР ПАХТАКОР БЕКИЕС ҒАМХЎРЛИККА МУНОСИБДИР

Шифокорлар далада

Уйчи район шифокорлари шу кеча-кундузда пахтакорларга медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан кенг қўламли тадбирлар планини туздилар.

Райондаги 142 дала шийпонининг ҳаммасига биттадан ўрта медицина ходими, ҳар бир хўжаликка иккитадан врач ва дорихона ходими бириктирилган. Улар дала шийпонларининг санитария ҳолати, овқатларнинг сифати, оналарга яратилган шароит, тозалик ҳамда болалар сиҳат-саломатлигини назорат қилиб борадилар.

— Дала гвардиячилари, теримчи ва ҳашарчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида турли ихтисосдаги шифокорлардан махсус бригада туздик, — дейди район марказий касалхонасининг бош врачи Ўринбосари, пахта штаба бошлиғи О. Мусаев. — Бригада аъзолари жойларда пахтакорларга тез ва зарур медицина ёрдами бериштан ташқари колхозчилар ораси-да турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, лекциялар ўқимоқдалар.

Ҳар қайси шийпонда санитария бурчаги мавжуд. Механизаторлар учун 350 та аптечка тарқатилди. Иккита кўчма амбулатория ва автодорихона график бўйича дала шийпонларини айланиб юрибди. Медицина муассасаларида тунги навбатчилик жорий этилган. Райондаги мавжуд 32 та фельдшерлик-акушерлик пунктининг иш вақти терим мавсумига мослаб ўзгартирилди.

Шифокорлар айни чоғда «оқ олтин» теримида ҳам иштирок этмоқдалар. Ҳар куни район шифокорларидан 80—100 кищи пахтазорга чиқиб олти-саккиз тоннадан пахта термоқда. Айниқса ҳамшираларидан М. Аҳмедова, Д. Каримова, М. Маллёровалар кунига 70—80 килограммдан ошириб пахта териб, бошқаларга ибрат бўлаётирлар.

А. МЎМИНОВ.

Ленинскдаги пахта тозалаш заводи коллективи СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олишга интилмоқда. Пахта тозаловчилар бу йилги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олмоқдалар. Корхонада иш икки сменада ташкил этилган. Суратда: заводнинг илғор ёшларидан Л. Ҳусанов, М. Турсунов ва С. Орипов. Улар механизмларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлямоқдалар.

У. Раҳимов фотоси.

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ДАЛА ГИГИЕНАСИ

Республикамизнинг беповён пахта далаларида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳосилини ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан иш қизигандан қизиб бормоқда. Теримчи ва «зангори кема» капитанлари жонажон партиямиз XXVI съезди шарафига 5 миллион 850 минг тонналик улкан хирмон уюшдек зўр мақсад йўлида жавлон уриб ишлаётирлар.

Бу шарафли вазифани бажаришда, шубҳасиз, қудратли техника катта роль ўйнайди. Пахта майдонларида фойдаланилаётган хилма-хил мураккаб қишлоқ хўжалик машиналари жиловкорлари — механизаторларнинг, олижаноб теримчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш медицина ходимларининг асосий вазифаларидан биридир.

Қишлоқ хўжалигида замонавий илғор техникани қўлланиш жисмоний меҳнатни енгиллатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Айни чоғда бу механизаторларнинг организмига салбий таъсир этувчи баъзи омилларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ҳар бир дала гвардиячиси буларни билиши ҳамда олдини олишга оид тадбирлар тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиши лозим.

Трактор ва бошқа механизмлар ишлаётган вақтда кўтарилган чанг ҳаво орқали юқори нафас олиш йўллари ва ўпкага, ёнилғи моддалари ва мойлар билан аралашган ҳолда эса терига таъсир этиши мумкин. Айрим техник сабабларга кўра баъзан ёнилғи чала ёниб, трактор «мўркони» — карнайи орқали ҳавога ис гази ажралиб чиқади. Ис эса ҳамиша одамга қаттиқ таъсир этади. Бунда бош айланиши, оғриши, умумий дармонсизлик рўй бериб, кўнгил айниши мумкин. Шундай ҳолларда албатта дала шийпонларида навбатчилик қилаётган медицина ходимларига мурожаат қилиш, тегишли тиббий ёрдам олиш шарт.

Маълумки, ўлкамизда куз фаслида ҳам ҳаво ҳарорати ёздагидек анча баланд бўлади. Очиқ далада бундай шароитда жисмоний меҳнат билан шуғулланиш организмдан кўп миқдорда тер ажралишига олиб келади. Тер билан фақат сув эмас, аъзолар учун зарур моддалар ҳам ажралиб чиқади. Уларнинг ўрни қопланиши шарт. Йўқса, кишининг меҳнат унумдорлиги тезда пасаяди. Бунинг олдини олиш учун керакли миқдорда суюқлик, иложи бўлса кўкчой ичиб туриш, тушки ва кечки овқатни бироз шўрроқ қилиб истеъмол қилиш зарур. Мева ва сабзавотлар тановул қилиб туриш ҳам фойдалидир.

Механизаторларнинг кийимлари йил фасли ҳамда бажариладиган иш характерига мос бўлиши лозим. Бу уларни чангдан, намликдан ва қуёш нурларидан сақлайди. Меҳнат ҳамда дам олиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Кундалик иш жараёнида ҳар икки соат жисмоний меҳнатдан сўнг ўн минут дам олиш тавсия қилинади. Шуни унутмаслик керакки, бошқа барча касб эгалари каби механизаторлар, теримчиларнинг соғлиғи ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ўзларига боғлиқ. Юқорида айтилганлар ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш саломатлик гаровидир.

О. ИСҲОҚОВ,
медицина фанлари кандидати.

БУГУН — ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Дарс бошланди. Опа синф журналини аста очар экан ўқувчиларига разм солди. Ўй вазифаларига охирги марта кўз югуртириб олиш мақсадида китоб, дафтарини шошма-пошма варақлаётганлар ҳам жимиб қолишган, синфга сукунат чўмган эди. «Бугун ҳаммасининг боқиши дадил, тайёргарлик яхши бўлганга ўхшайди», ўйлади у.

Синфдаги сукунатни опанинг майин, мулойим овози бузди.

— Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърининг яратилиши ҳақида ким гапиримоқчи? Шеърни ёд олиш ҳам керак эди-а?

Синф жонланиб, ўқувчилар паст-баланд қилиб қўл кўтаришди. Ўз фамилиясини эшитган ўқувчи доска олдига чиқди-да, шеърни ширингина айта бошлади:

«Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим!»

... Опа кечаги дарсни эслади. Ғ. Ғулом туғилган кунининг 60 йиллиги нишонланадиган кезларда опа у киши билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган эди. Ўша таассуротларни ўқувчиларига гапириб бераркан, улар шундай қизиқиб тинглашдиларки... Ҳа, ўз кўзинг билан кўрган, ўзинг гувоҳи бўлган воқеалар ўқувчиларга ишонарли ва қизиқарли туюлади, бунда уларнинг дарс темасини тушунишлари ҳам осон бўлади.

Кейинги йилларда мактабларда таълим-тарбияни янада яхшилаш мақсадида фанларни кабинет системасида ўқитишнинг жорий этилиши опанинг кўнглидаги муддао бўлди. Ҳозиргача бирор дарсини зарур кўргазмали қуролларсиз ўтганини эслолмайди у. Шундай дамларда дадасининг «Ўрганиш осон, болам, ўргатиш қийин» деган насиҳатомуз гапларини эслайди. Ана ўша ўргатиш қийинлиги учун ҳам, опа унинг осон, ихчам, ўқувчи онгига тез етиб бориб, мустаҳкам ўрнашиб қоладиган йўлларини излайди, бунга эришади ҳам. Бунинг натижаси ўлароқ, айниқса адабиёт дарслари ўқувчилар орасида мунозара ва тортишувга сабаб бўлади. Бир сафар ўқувчилардан бири савол бериб қолди:

— Ҳалима Абдуллаевна, сизниқгча энг яхши касб қайси?

Опа дафъатан жавоб беришни истамадими, ҳар қалай, унинг ўзидан сўради:

— Хўш, ўзингиз кўпроқ кайси касбни ёқтирасиз?

Ўқувчи елкасини қисди.

— Қайдам. Қишлоқ хўжалик институтига кирмоқчийдим, лекин адабиётниям яхши кўраман, — дедию жим бўлиб қолди.

— Сизларчи?

Синфдагиларнинг ҳар бири ўзи ёқтирган касбни санай кетди.

— Ҳойнаҳой бу савол ҳаммангизниям қизиқтирса керак-а, тўғрими? Турли касб эгаларини мактабга таклиф қилсак-чи, нима дейсиз? Улар билан чин юракдан суҳбатлашамиз, керак бўлса баҳс, мунозара ўтказамиз. Ана шунда саволларга тўлароқ жавоб олиш мумкин бўлади, маъкулми?

Опа уларнинг мамнун чеҳраларини кўриб, шу фикр хаёлига илгарироқ келмаганига ўкинди-ю, болларга берган ваъдасининг устидан тезроқ чиқишга аҳд қилди.

Ёдида, мунозара катта бўлганди ўшанда. «Ташсельмаш» заводининг таниқли ишчиси Маҳмуд Мўйдинов ва қаҳрамон она Ойсара Холмедовалар келишган, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган деярли барча саволларга жавоб олишганди. Қизиғи шундаки, ўша йили жуда кўп битирувчилар шарафли ишчи касбини эгаллашган, айримлари эса тўқимачилик комбинатига йўл олишганди. Ҳатто адабиётга кўнгил қўйган ўша қиз ҳам тўқувчилик касбини эгаллашга аҳд қилганини учрашувнинг эртасигаёқ опага келиб айтганди...

Ўртага иккинчи савол ташланди.

— Шеърда Улуғ Ватан уруши тасвири, шоирнинг ўз болалигини эслаши ва ҳозирги бахтли болалик ҳақида гапиринг.

Уруш нималигини билмай, фақат бадиий адабиётлардагина ўқиб, кинолардагина кўрган, унинг даҳшатларини ҳис қила олган ўқувчи шеърдан парча ўқиркан, гўё бутун қаҳр-газаби билан шу дамда урушни лаънатлаётгандек, дунёда бундан кейин ҳамиша осойишталик, ер куррасининг ҳамма чеккасидаги тенгқурларининг ҳам ўқишга, яхши яшашга ҳаққи бор эканини, болаларнинг етим қолишларига йўл қўймаслик зарурлигини талаб қилаётгандек туюлди опага...

...У яна хаёлга чўмди. Ўз ҳаёти, кечагина босиб ўтилган йўллар кўз олдида жонланди.

Опа 1933 йили Тошкентда, оддий меҳнаткаш косиб оиласида туғилди. Унинг отаси Абдулла ака Мирсаидов мардикорликда бўлган, Тошкентга қайтгач, кўп ўтмай оқ гвардиячи Осипов ва унинг тўдасига қарши курашда қатнашган, граждандлар урушининг ветеранларидан эди. Улуғ Ватан уруши бошланмасдан уларнинг оиласи Янгийўл районига Нов қишлоғига кўчиб келади ва ёш Ҳалима бошланғич маълумотни шу ерда олади.

Етти йилликни яхши тугатгач, Ҳалимани Тошкентга В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртига йўллашди. Билим юртини, кейин Ўрта Осиё давлат университетини битирди. 20 йилдан ошдики, Ҳалима Хайитметова Тошкентдаги 154-мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради, севимли коллективи, азиз талабалари билан бирга. Оилада ширинсухан уй бекаси, меҳрибон она...

«Шеърда ғалабага бўлган ишончнинг ифодаланиши» деган навбатдаги саволга жавоб бериш учун чиққан ўқувчи ўз фикрини шеърнинг шундай мисралари билан бошлади:

«Тонг яқин,
тонг яқин,
оппоқ тонг яқин.
Бир нафас ором ол
Ухла, жигарим».

...Яхшилик ҳамиша яхши, ўйларди опа, қани эди шуни ҳамма ота-оналар ҳам ўқувчилар ҳам тушунишса. Гоҳо юқори синфга ўтгандан кейин «Энди ўғлим ёки қизим катта бўлиб қолди ,уни ҳадеб тергайвериш мумкин эмас», деб ўйлаб фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўювчилар ҳам бор.

Опа ўтилган темани якунлаб янги вазифани ўқувчиларга тушунтираркан, бугунги дарси ҳаёт хотираларига бой, салкам ярим асрлик умрининг энг мазмунли соати бўлгандек туюлди ўзига.

Умида ФАЙЗИЕВА.
Тошкент шаҳар Ленин районидаги 154-мактаб.

Совет ўқитувчиси қаерда ишламасин, мактабдами, олий ўқув юрти, техникум ёки ҳунар-техника билим юртидами, ҳар вақт бутун билим ва тажрибасини коммунизм бинокорларини тарбиялашга бахшида этади. Бу иш кичкинтойларга ҳарф танитиб, савод ўргатишдан бошланади. Суратда: ана шундай олижаноб касб эгаларидан бири, Тошкентдаги 64-мактаб ўқитувчиси Г. Ғаниева биринчи синфда дарс ўтмоқда.

Н. Шарипов фотоси.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Қрим йўллари бўйлаб «Социалистическая индустрия» газетаси совғини учун ўтказилаётган кўпкунлик пойга иштирокчилари ғолиблик йўлида куч синашмоқдалар. Мусобақада иштирок этаётган олмаликлик Шоҳид Загретдинов ўзининг фаол ва стабиллиги билан мутахассислар эътиборини қозонмоқда. Вакилимиз учинчи босқичда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 196,5 километрли тўртинчи босқич бахсини маррага биринчи бўлиб келиш билан нишонлади. Велосипедини меҳнат билан бошқарган Шоҳид навбатдаги босқичда ҳам бўш келмади. Бу сафар иккинчи ўринни эгаллади. Олтинчи босқич 210 километрли масофадан иборат бўлиб, бунда Шоҳиднинг командадоши М. Боков учинчи ўринни олди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ШАХМАТ.** Голландиянинг Тилбург шаҳрида бир неча кун давом этган халқаро турнир якунланди. Мусобақада жаҳон чемпиони А. Карпов муваффақият қозонди. У 11-турда М. Таль билан битимга келишиб, очколар ҳисобида ғолиблиги таъминлади.

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** «Андижанка» қизлари чемпионатнинг якунловчи учрашувларини кўтаринки рухда ўтказмоқдалар. Хоккейчиларимиз Олмаотанинг «Связист» коллективини қабул қилиб, (2:0, 2:1), 30 ўйиндан 51 та очко тўплашди.

Пешқадам «Спартак» (Москва области) ҳисобида 34 ўйиндан кейин 58 очко бор.

● **БОКС.** Фарғонада Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати ўтказилди. Умумкоманда ҳисобида «Динамо» вакиллари муваффақият қозонишди. Шахсий ҳисобда вазнларига кўра ангренлик З. Абдуқодиров, Х. Кегай, И. Парпиев, чирчиқлик С. Данилов, тошкентлик Г. Михос, О. Зокиров, К. Безруловий, фарғоналик А. Мусаев билан С. Мазуновлар ҳамда янгиободлик С. Шапов билан самарқандлик Р. Александрлар ғолиблик қилишди.

Таниқли профессионал боксчи Муҳаммад Али 38 ёшида Ларри Холмсга ютқазиб қўйди. Али тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлолмай қолди.

● **ФУТБОЛ.** Навбатдаги учрашувларган кейин биринчи лига пешқадамларининг мавқеларида ўзгариш бўлди. 46 тадан очко тўплаб олдинда бораётган 4 коллектив орасида «Таврия» футболчилари ягона пешқадам бўлиб олдилар. «Таврия» командаси навбатдаги ғалабадан кейин очколарини 48 тага етказди. «Днепр» ва «Металлист» коллективлари ўзаро дуранг ҳисобида ўйнаб, очколарини 47 тадан қилиб олишди. «Помир» эса навбатдаги мағлубиятдан сўнг тўртинчи ўринга тушиб қолди. «Гурия» ва «Бўстон» командалари (3:1) учрашдилар.

Иккинчи лига коллективлари яна бир тур учрашувлардан кейин чемпионатни якунлашади. Сўнгги тур ўйинлари олдида самарқандлик динамочилар 52 очко билан олдинда бормоқдалар. «Хива» ва «Нефтяник» коллективларида 48 тадан очко бор.

Европа кубоклари учун кураш иштирокчилари ўртасида қуръа ташланди. Чемпионлар кубоги учун «Спартак» (М) — «Эсбьерг» (Дания), кубок эгалари кубоги учун «Уотерфорд» (Ирландия) — «Динамо» (Тб) командалари учрашадилар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.35 — Крошнинг таътиллари. Бадиий фильм, 4-серия. 11.45 — Ҳаракат хавфсизлиги. 12.15 — Жаҳон халқлари иқтисодиёти. 12.45 — Сени қизиқтирган китоблар. 13.30 — Фильм-концерт. 13.45 — Бугун — ўқитувчилар куни. 15.15 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 15.00 — Эрмитаж. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Сеҳргар мишка. Бадиий фильм. 16.15 — Хайвонот оламида. 17.15 — Экран. 17.40 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Бош конструктор. Бадиий фильм, 1-серия. 19.25 — Ўқитувчилар кунига бағишланган музикали программа. 20.00 — Кинопрограмма. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. «Спартак» — «Динамо» (Тб). 22.45 — Концерт. 00.25 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.10 — Сўз кетидан сўз келар. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.45 — Ўзбекистон спорти. 12.15 — Кинопубликист экрани. 13.00 — Шкид республикаси. Бадиий фильм. 13.40 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 18.20 — Мультфильмлар. 18.45 — Бойчечак. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 Устоз ва мураббий. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Санъаткорлар — ҳосил устаоларига. 21.30 — Время. 22.00 — Сўнгги гайдук. Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

6 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.45 — Здоровье. 12.30 — Тонгги почта. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Қуёш омборхонаси. 15.25 — Умид стартлари. 15.55 — Концерт. 16.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.20 — Бош конструктор. Бадиий фильм, 2-серия. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — ГДР телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 — 80-йил қўшиқлари. 23.00 — Ҳужжатли фильмлар. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Давр, олга бос. Бадиий фильм, 1-серия. 12.05 — Кувноқ стартлар. 13.05 — Фильм-концерт. 13.30 — Шахмат мактаби. 13.55 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Концерт. 19.05 — Эртага — СССР Конституцияси куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк (Давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Хирмокингизга барака. 22.20 — Муҳаббат ва ғазаб. Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Область далаларида. 20.55 — Ҳужжатли фильмлар. 22.10 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм, 1-серия.

РАДИО

5 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўқитувчилар, Сизлар учун. Концерт. 9.15 — «Табассум». 10.45 — Таъзим сенга, ўқитувчим. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Ўқитувчилар учун музикали программа. 14.00 — Илғор сабзавоткорлар ҳақида ҳикоя. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.35 — Ўзбек куйларидан концерт. 18.15 — «Ёшлик». 19.30 — Спорт эшиттириши. 20.25 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 21.00 — Футбол. СКА (Р) — «Пахтакор». 22.30 — Таниқли ижрочилар концерти. 23.15 — Дам олиш концерти.

6 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съезддан-съездгача. 9.35 — Шу куннинг қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Мақсад — юқори самарадорликка эришиш. 13.30 — Енгил чолғу муйлари. 14.00 — Ғиждувонлик пахтакорлар ҳузурида. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Ёш ижрочилар концерти. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Эстрада концерти. 21.00 — Фан уфқлари. 21.15 — Дала меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Енгил куйлардан концерт. 23.20 — Дам олиш концерти.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 октябрь. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг вакиллари Ўзбекистонда бўлгуси Финляндия маданияти ҳафталигининг программаси тўғрисида гапириб бердилар. Ҳафталик 10 октябрдан 17 октябргача Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Андижонда ўтади.

Ҳафталик программасида графика, ишлаб буюмлар кўргазмаси, опера ва балет артистлари, ҳаваскор рақс группалари, Финляндия радиоси оркестрининг чиқишлари бор.

Ҳафталик ташкилотчилари бундай маданий тадбирларнинг ўтказилиши ҳамкорликнинг анъанавий шаклига айланиб, Совет Иттифоқи билан Финляндия халқлари ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, демоқдалар. Масалан, 1978 йил Финляндияда Ўзбекистон санъат усталари самимий кутиб олинганди.

ҚЎШИЛМАГАН МАМЛАКАТЛАР АНЖУМАНИ

НЬЮ-ЙОРК, 4 октябрь. (ТАСС). БМТ штаб-квартирасида БМТ Бош Ассамблеяси XXXV сессиясидаги қўшилмаган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари ва делегациялари бошлиқларининг Гаванада ўтказилган VI конференцияси қарорларини тўла ҳажмда бажариш учун кураш учрашув қатнашчиларининг диққат марказида турибди. Қўшилмаган давлатларнинг Бош Ассамблея XXXV сессиясидаги умумий стратегиясини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш группа учун энг катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни белгилаш, якунловчи ахборотни тасдиқлаш каби масалалар ҳам кун тартибига киритилган.

Куба ташқи ишлар министрининг ўринбосари Х. Р. Виера кенгаш қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқиб, Гавана конференциясидан кейин ўтган бир йил ичида группанинг фаолияти тўғрисидаги докладни қўшилмаслик ҳаракатининг раиси Ф. Кастро номидан тақдим этди.

Биргаликда актив иш кўрилганлиги туфайли бизнинг ҳаракатимиз халқаро ҳамжамиятнинг ҳозирги даврдаги энг ўткир проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишда унинг фаолиятига каттагина таъсир ўтказа олди, деди у. Нотиқ қўшилмаслик ҳаракати тинчлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва инсониятнинг тараққиёти ишига ўз ҳиссасини қўшишдан астойдил манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Қўшилмаслик ҳаракатининг раиси сифатида Куба, шунингдек мазкур группанинг бошқа аъзолари ўтган бир йил мобайнида давлатлар ўртасидаги низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш мақсадини кўзлаб иш олиб бордилар.

Х. Р. Виера қўшилмаслик ҳаракати доирасида тузилган турли комитетлар ва ишчи группалари бир йил ичида ўтказган учрашувларни айтиб ўтди. У йил мобайнида Нью-Йоркда координацион бюро муттасил ишлаб турганлигини илова қилди. Ана шу бюро қўшилмаган мамлакатлар учун муҳим бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Бугун, ҳаракатимизнинг йигирма йиллик юбилейи арафасида, деди пировардида нотиқ, бизнинг олдимизда кўпгина муҳим вазифалар турибди. Биз ана шу вазифаларни биргаликда кучғайрат сарфлаб, қўшилмаслик ҳаракатининг энг асосий принциплари ва мақсадларига мувофиқ равишда ҳал этишимиз керак.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Дрезденда «Космосдаги материаллар» мавзуида ўтказилган махсус халқаро семинар ўз ишини тамомлади.

Семинар қатнашчилари етмишинчи йилларда космик материалшуносликнинг ҳозирги даврдаги ривожланиш йўналишлари ва истиқболлари, шунингдек, космик материалшуносликнинг фаннинг алоҳида соҳаси бўлиб қолди, деб таъкидладилар. «Салют-6» орбитал станцияси ичида технологик эксперименталар тайёрлаш ва ўтказишда қатнашган социалистик мамлакатлар — ГДР, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия олимлари олинган материалларни анализ қилиш натижаларини ўртоқлашдилар. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. С. Реддининг СССРга қилган визити ва олий даражадаги Совет — Ҳиндистон музокаралари шу ҳафта ичида жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турди. Бу визит ва музокаралар ҳар икки мамлакат дўстона Совет — Ҳиндистон алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилаётганлигини янада зўр куч билан тасдиқлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда зиёфат вақтида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, бу алоқалар «уруш хавфига қарши, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда тобора равшанроқ салмоқли омил бўлиб майдонга чиқмоқда». Совет — Ҳиндистон музокаралари вақтида Совет — Ҳиндистон муносабатлари масалалари ҳам, актуал халқаро проблемалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳиндистон матбуоти шу кунларда ўзаро манфаатли Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг муваффақиятли ривожланаётганлиги мамлакатларимиз ва халқларимизнинг анъанавий дўстлигини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб яна уқтириб ўтмоқда. «Ҳиндистоннинг иқтисодий муваффақиятлари, — деб ёзади Ҳиндистоннинг йирик «Стейтсмен» газетаси, — Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида доим ривожланиб бораётган алоқалар билан чамбарчас боғланган. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан, шу жумладан Ҳиндистон билан ўзининг иқтисодий алоқаларини экспулятациягa, тенгсизликка, экспансия ва халқларни эзиш йўлидаги интилишга тамомила ёт бўлган принциплар асосида уюштирмоқда».

Л. И. Брежнев билан Н. С. Редди Кремлдаги қабул вақтида сўзлаган нутқлари Ҳиндистон матбуотида ҳам. чет эллардаги оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш туғдирди. Умумҳиндистон радиосининг шарҳларида Москва билан Деҳли тинчлик учун, кескинликни юмшатиш учун ва қуролланиш пойгасини чеклаш учун курашда биргаликда ҳаракат қилмоқда, деб таъкидланди.

Л. И. Брежневнинг нутқи зўр эътиборни ўзига жалб этди. Венгрияда чиқадиган «Непсабадшаг» газетасининг ёзишича, бу нутқ СССРнинг тинчликсеварликдан иборат бутун ташқи сиёсати инсониятни уруш хавфидан халос қилишга қаратилган сиёсат эканлигини исбот этувчи янги далилдир.

Илья Эренбург бундан қарийб чорак аср илгари Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни таърифлаб бундай деб ёзган эди: «Баланд тоғлар мамлакатларимизни бирбиридан ажратиб туради, лекин қалбларимизда Ҳимолай тоғлари каби тўсиқлар йўқ». Совет ёзувчисининг ана шу образли таърифи ҳозирги пайтда ҳам тамомила адолатли таърифдир. Совет кишилари Ҳиндистон Президенти Н. С. Реддининг мамлакатимизга қилган визити ва Москвада олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон музокаралари ҳар икки мамлакат халқларининг, бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизликнинг манфаатлари йўлида ўзаро фойдали Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирмоқдалар.

КАМПУЧИЯНИНГ ДЎСТЛАРИ ВА ДУШМАНЛАРИ

Халқаро жамоатчилик Кампучия Халқ-революцион кенгашининг келгуси йил бошида ҳокимиятнинг юқори давлат органларига умумий сайлов ўтказиш тўғрисида шу ҳафта ичида қабул қилган қарорини халқ тузумининг мустаҳкамлигини исбот этувчи янги далил деб, Кампучия халқи янги ҳаёт барпо этиш йўлидан боришга қатъий қарор берганлигини тасдиқловчи далил деб баҳо берди. Шуларни эътиборга олганда, Вашингтон билан Пекининг БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги XXXV сессиясида қонҳўр полпотчилар тўдасини мавжуд бўлмаган «демократик Кампучия»нинг вакили қилиб кўрсатишга уринаётганлиги лўтибозликдан бошқа бир нарса эмас. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, халқ томонидан ағдариб ташланган режимлар империалистик кучларнинг асоратидан ҳалос бўлган мамлакат ташқарисидаги шундай кучлар ва халқаро реакциядан мадад олиб келганлигини кўрсатадиган мисоллар тарихда кўп учрайди. АҚШ 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Тайвандаги чанкайшичилар режимини ўз ҳимоясига олиб, ХХРнинг БМТга қабул қилинишга халақит берганлигини Пекингдагилар эсларидан чиқариб кўйган бўлсалар керак. АҚШ чанкайшичилар режими «бутун Хитой халқининг вакили» деган эди.

Аммо Хитой раҳбарлари ўзларга ўзлари тегишли ҳуқуқларни чиқариб олмадилар. Улар Кампучиянинг қонуний вакили — бу мамлакатнинг Халқ-революцион кенгашини БМТга қабул қилишга йўл қўймаслик учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Пекин АҚШнинг айтганини қилиб, полпотчи жиноятчиларни зудлик билан оқлашга уринмоқда. Шу мақсадда Кхиеу Самфан ҳаёт қабиҳ бир шахсни жаллод Пол Пот ўрнига «демократик Кампучия бош министри» лавозимига қўймоқчи бўладилар. Кхиеу Самфан Кампучияда қонли террор авж олиб кетган даврда «президент» вазифасини бажарган эди. У ўз халқига нисбатан геноцид сиёсатини ўтказганлиги учун ҳам жавобгардир.

Душманларнинг кирдикорларига қарамай, халқаро майдонда халқ Кампучиясининг обрў-эътибори ўсиб бормоқда. Кампучия Халқ Республикаси ҳозирги вақтда 32 давлат ва миллий-озодлик ҳаракатлари билан алоқа боғлаган. Кампучия қардош социалистик мамлакатлар билан бирдамлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатди. Ҳиндистон Кампучия Халқ Республикасини ривожланаётган мамлакатлардан ажратиб қўйишни истаганларга қаттиқ зарба бериб, Халқ-революцион кенгашини дипломатик йўл билан тан олганлигини билдирди.

Кампучия Халқ Республикасининг қонуний ҳукумати жаҳонда ўзининг конкрет ишлари билан иззат-ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу ҳукумат Кампучия халқининг бошидан кечирган фожиа оқибатларини мардона бартараф қилмоқда. Қарийб тўрт йил мобайнида мамлакатни идора қилиб келган Пекин ғумашталари тўдаси ҳеч гуноҳи бўлмаган уч миллионга яқин кишини қириб ташлаган жиноятчилар тўдаси эканлигини бутун жаҳон яхши билиб олди.

Кампучия халқи ўз тақдирининг эгаси бўлиб қолди.

О. ШИРОКОВ,
С. ФРОЛКИН,
(ТАСС).

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1980—81 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларга камида 2 йиллик иш стажига эга бўлганларгагина тавсиянома берилади.

Амалий иш стажи сўнгги вақтда шу корхонада (колхозда) ишчи (тайёрлов бўлимига қабул қилинаётганда шогирд бўлиб ишлаган давр ҳисоба олинмайди) ва колхозчи бўлиб узлуксиз бир йил ишлаган бўлиши керак. Ўқишга юборилган колхозчилар шу колхоз учун белгиланган меҳнат куни минимумини ҳар йили бажарган бўлишлари керак.

МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛМАГАНЛАР ВА 1980 ЙИЛДА КУНДУЗГИ МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига юборилганлар қуйидагиларни тақдим этадилар: ариза, йўлланма (2 ва 3-форма), ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари имзо чекиан, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар — ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланган характеристика, 8 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан (колхоз дафтаридан) кўчирма, корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

АРИЗАЛАР — 10 ноябргача қабул қилинади.

СУҲБАТ — 1 ноябрдан 24 ноябргача, тингловчиликка қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимини тамомлаб, имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар кундузги ўқишга 1 курсга кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ОЙИГА 40 СУМ СТИПЕНДИЯ ОЛАДИЛАР, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДАН ЎҚИШГА ЮБОРИЛГАНЛАР — 15 ПРОЦЕНТ КУПРОҚ СТИПЕНДИЯ ОЛАДИЛАР.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 77-уй. Телефон 4-39-37.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/Х да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/Х да **Тўйдан олдин томоша** (19.30), 6/Х да **Ур, тўқмоқ** (12.00), **Чоллар ва кампирлар** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/Х да **Москва цирки артистларининг гастроллари** (13.00 ,16.00, 19.30).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-28; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-46-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-04. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-00-50.

Р. 02270. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 230. 6